

3


ҲАММАНИНГ ЎЗ ЎРНИ БОР



6

БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР
ВОЯГА ЕТМОҚДА

15

МАШҲУР МАДРАСА
НЕГА «ШЕРДОР» ДЕБ АТАЛГАН?

КУЧЛИ ДАВЛАТДАН — КУЧЛИ ФУҚАРОЛИК ЖАМИЯТИ САРИ

Нашр индекси - 131



ЖАМИЯТ

2006 йил
31 августдан
чоп этила
бошлаган

Газетанинг чакана
савдода белгиланган
нархи — 190 сўм

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

www.jamiyatgzt.uz

2007 йил 18 май № 20 (33)

ОИЛА — МУҚАДДАС ВАТАН

ҲАФТАНИНГ МУҲИМ ВОҚЕАЛАРИ



Оила ҳаётининг абадийлигини, авлодларнинг давомийлигини таъминлайдиган, муқаддас урф-одатларимизни сақлайдиган, шу билан бирга, қедажак наслларнинг баркамол авлод бўлиб етишишига таъсир кўрсатадиган тарбия ўчоғидир.

Ўзликни англаш, миллий урф-одатларни эъзозлаш, катталарга ҳурмат, кичикларга ғамхўрлик, одамийлик, ҳалоллик, олижаноблик, меҳр-оқибат сингари асл инсоний фазилатлар айнан оила муҳитида шаклланади.

Шу боис ҳам оила масаласи жамиятимизда жуда катта аҳамият касб этмоқда.

Буни 15 май — Бутунжаҳон оила кунини муносабати билан мамлакатимизда ўтказилган кўплаб тадбирларда ҳам яққол кўрдик.

✦ Пойтахтдаги Халқаро ҳамкорлик марказида 14 май кунини Ўзбекистон — Россия бизнес-форуми бўлиб ўтди. Уни Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Сиёсий тадқиқотлар маркази ва Савдо-саноат палатаси, Россия томонидан Саноат бўйича федерал агентлик, Стратегик тадқиқотлар институти, Савдо-саноат палатаси ва Россия — Ўзбекистон ишбилармонлар кенгаши ташкил этди.

✦ 15 май кунини пойтахтимиздаги Ўзбек Миллий санъат марказида «Баҳор-Ёз — 2007» мавсумий либослар намоиши бўлди. Тадбир «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси ва «Дом стили» дизайнерлар бирлашмаси ташаббуси билан ўтказилди.

✦ Тошкентда «Ўзбекистон нефть ва газ» ўн биринчи халқаро кўرғазмаси 15 май кунини ўзинини бошлади. Ушбу тадбир «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компанияси томонидан Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, «I.T.E. Exhibition & Conferences Ltd» (Буюк Британия), «GIMA» (Германия) сингари компаниялар билан ҳамкорликда ташкил этилди.

✦ 17 май кунини Самарқандда «Ўзбек миллий кино санъати» кунлари очилди. Қадимий ва навқирон шаҳарнинг 2750 йиллигига бағишланган мазкур тадбирда 20 та бадий, 17 та ҳужжатли фильм намоиши этилиши режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов жойларда ижтимоий-иқтисодий ислохотларнинг бориши, амалга оширилаётган бунёдкорлик ва ободончилик ишлари билан танишиш мақсадида 17 май куни Қорақалпоғистон Республикасига таширф буюрди.

Ғулом МИРЗО,
Аминбой ОРТИҚБОЕВ,

ЎЗА махсус мухбирлари

Бутун мамлакатимизда бўлгани каби Қорақалпоғистонда рўй бераётган ўзгаришлар, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётнинг барча соҳаларидаги янгиланишлар одамларнинг турмуш тарихида, онгу шуурда ўз инъикосини топмоқда. Бу — Қорақалпоғистон аҳлининг заҳматли меҳнати эвазига эришилаётган ютуқларда, шаҳар, қишлоқ ва овулларнинг қиёфасида, ишга туширилаётган янгидан-янги иншоотларда, ишлаб чиқариш салоҳиятининг юксалиб бораётганида янада яққолроқ намоён бўлди.

Ер ҳақиқий эгасини топмоғи керак. Унинг асл соҳиби эса фермердир. Таъбир жоиз бўлса, Юртбошимиз ташаббус билан мустақиллик йилларида мамлакатимиз қишлоқ ҳўжалиги соҳасида амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларнинг туб моҳиятини ана шундай изоҳлаш мумкин.

Қорақалпоғистонда ҳам фермерлик ҳаракати тобора кенг қулоқ ёймоқда. Ҳозирги вақтда бу ерда қарийб 10 минг фермер ҳўжалиги фаолият олиб бораётти. Шулардан 4,5 мингга яқини пахтачилик, 2 мингдан кўпроғи галлачилик, салкам бир ярим мингтаси полизчилик, яна мингга яқин фермер ҳўжалиги чорвачилик ҳамда балиқчилик билан шуғулланади. Ўтган йили уюлган пахта хирмонининг 98 фоизи фермерлар улушига тўғри келгани ҳам маъзур соҳада ишлар изчил ривожланаётганидан далолатдир.

Давлатимиз раҳбари Қора-

қалпоғистонга сафарини ағрар соҳада олиб борилаётган ишлар билан танишишдан бошлади. Ҳўжайли туманининг «Тошкент» фермер ҳўжаликлари бирлашмаси, шунингдек, Қанлиқўл туманидаги «Бескўпир» муқобил машина-трактор паркига қарашли Бахт Назаров раҳбарлигидаги «Худайберган Шанишмай» фермер ҳўжалиги ҳамда Тожихол Эшқобулова раҳбарлигидаги «Ғофир» фермер ҳўжалиги далаларида бўлди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, жорий йилнинг августидан эътиборан Қўнғирот сода заводида ҳар йили 100 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарила бошлайди. Илгари Ўзбекистон кимё саноати учун йилига 70 минг тонна ана шундай маҳсулот четдан келтирилар эди.

Фермер Тожихол Эшқобулова 20 гектар ерда гўза ва шунча майдонда галла парвартишламоқда. Бунда тасарруфиди ўндан зиёд техникадан унумли фойдаланаётгани кўл келмоқда. Унинг 300 бош қорамоли ҳам бор.

Юртбошимиз билан суҳбат чоғида фермер ўтган йили 30 миллион сўм даромад олиб, иккита кам таъминланган оилага сигир ҳадя қилгани ва муқаллас ҳаж зиёратига бориб

келгани ҳақида сўзлаб берди.

Президент Ислам Каримов қорақалпоғистонлик фермерлар билан учрашувлари чоғида мураккаб иқлим шароитида фидокорона меҳнат қилаётгани учун уларга самимий миннатдорлик изҳор этди. Кишиланинг фаровон ва бахтли ҳаёт кечиришлари учун зарур барча шарт-шароитларни яратиш уларнинг меҳнат жабҳасида янгидан-янги марраларни эгаллашларида муҳим омил эканига эътиборни қаратди.

Мамлакатимиз саноатида Қорақалпоғистоннинг алоҳида ўрни бор. Ҳўжайли шиша заводи, «Марказий Осиё безак тошлари» қўшма корхонаси, Қўнғиротдаги карбид, Нукусдаги мрамар ва кабель заводи, Урга газ кони, «Элтекс» ва «Катекс» каби ишлаб чиқариш мажмуалари замонавий саноат корхоналаридандир. Ўтган йилнинг ёзида улар қаторига Қўнғирот сода заводи қўшилди.

Ушбу йирик завод ўз ишлаб чиқариш имкониятлари ва маҳсулотлари билан минтақамизда ягона ҳисобланади. Маъзур корхона йилига 100 минг тонна калцийланган сода ишлаб чиқариш қувватига эга. Сода ишлаб чиқариш технологияси мураккаб жараён. Ушбу жараён дунёга машҳур «Хонивелл» ва «Сименс» фирмалари компьютерлари тизими орқали бошқарилади. Янги корхонанинг яна бир аҳамиятли томони — бу ерда бир минг 300 нафар киши меҳнат қилади.

Ислам Каримов завод марказий бошқарув пулти мутахассислари билан мулоқотда бўлди.

2006 йили завод 12,8 минг тонна сода ишлаб чиқарди. Бугунги кунга қадар 9 миллиард сўмликдан зиёд сода сотилди.

Мутахассисларнинг таъкидлашича, жорий йилнинг августидан эътиборан бу ерда ҳар йили 100 минг тонна тайёр маҳсулот ишлаб чиқарила бошлайди. Илгари Ўзбекистон кимё саноати учун йилига 70 минг тонна ана шундай маҳсулот четдан келтирилар эди. Эндикда Оролбўйида ишлаб чиқарилаётган ушбу сода мамлакатимиздаги «Кварц» акциядорлик жамияти, «Фарм-глас» ва «Ғазалкент-ойна» қўшма корхоналари, шунингдек, ёғ-мой, кимё, металлургия корхоналари етказиб берилмоқда. Яқин орада завод маҳсулотларининг ички эҳтиёждан ортқича қисмини хорижга экспорт қилиш бошланади.

Мамлакатимиз раҳбари Устурт саҳросида қад ростлаган ушбу ноёб корхона йирик даромад манбаи, фаровонлик рамзи бўлибгина қолмай, халқимизнинг, аввало, шу заминда истиқомат қилаётган қорақалпоқ элининг ғурур ва ифтихори эканини таъкидлади. Завод фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, ишчи-хизматчиларга тегишли шарт-шароит яратиш юзасидан амалий тавсиялар берди.

Президентимизнинг 2005 йил 13 апрелдаги «Қўнғирот сода заводи учун кадрларни мақсадли тайёрлашни ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ бир қатор чора-тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 2005-2006 ўқув йилидан бошлаб Тошкент кимё-технология институтининг махсус сиртки бўлими ташкил этилди. Ушбу бўлимнинг ўқув-лаборатория базаси завод ҳудудига жойлаштирилди.

Ҳозир бу ерда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда 192 нафар талаба тўрт ихтисослик бўйича таҳсил олмоқда.

Президентимиз завод инженер-техник ходимлари, ишчи-хизматчилари билан учрашди.

— Далаларда, ишлаб чиқариш корхоналарида фидокорона меҳнат қилаётган юртдошларимизнинг, айниқса, ёшларимизнинг ғайрат-шижоати кўнгилни қувонтиради, — деди Юртбошимиз. — Халқимиз истиқлол неъматларига шукроналик туйғуси билан яшамоқда. Кишилариимиз бахт, орзу-ният оғушида, кўтаринки руҳда меҳнат қилмоқдалар. Энг муҳими, келажакка — Ватанимизнинг ёруғ истиқболга қатъий ишонч билан қарамоқда.

Президентимиз Нукус шаҳридаги Болалар ёпиқ спорт саройини бориб кўрди. Барча замонавий шарт-шароитларга эга маъзур спорт масканида бир кунда 500 нафар бола спортнинг 14 тури билан шуғулланиши мумкин.

Давлатимиз раҳбари бу ерда спорт мураббийлари ва спортчилар билан мулоқотда бўлди. Спортчи ўғил-қизларга спорт анжомлари совға қилинди.

Шу кун Президент Ислам Каримов Хоразм вилоятига таширф буюрди. Давлатимиз раҳбари истиқлол йилларида ўзига хос қиёфа касб этаётган Урганч шаҳрида, хусусан, унинг марказий майдонида амалга оширилаётган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Икки арк, ранго-ранг фавворалар, буюк аждоҳимиз Ал-Хоразмийнинг маҳобатли ҳайкали майдонга ўзгача виқор ва кўрк бағишлайди.

Юртбошимиз бу ерда меҳнат қилаётган қувучи ва муҳандислар билан суҳбатлашди. Қурилиш ва ободонлаштириш ишларини тез ва сифатли амалга ошириш юзасидан зарур тавсиялар берди.

Тадбир

Шу йилнинг 8-14 май кунлари Ўзбекистон Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси, Фермер ҳўжаликлари уюшмаси томонидан пойтахтимиздаги «Ўзэкспомарказ»да «Uzbekistan AGROMINITECH — 2007» қишлоқ ҳўжалиги учун минитехнологиялар ва ихчам ускуналар II Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдоси ўтказилди.

Шокиржон ИСОҚОВ

Давлатимиз раҳбарининг 2006 йил 24 августда қабул қилинган «Қишлоқ ҳўжалиги учун минитех-

нологиялар ва ихчам ускуналарнинг Халқаро ихтисослаштирилган кўргазма-савдосини ўтказишни ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида ўтган йилнинг 21 октябрдан 1 ноябргача ташкил этилган биринчи кўргазма-савдода жаҳоннинг 26 мамлакатидан қишлоқ ҳўжалиги учун техника ва жиҳозлар ишлаб чиқарадиган 185 компания ўз маҳсулотлари ва хизматлари билан иштирок этганди. Ўшанда уни 14 мингга яқин фермер ва қишлоқ ҳўжалик соҳаси вакиллари келиб кўрган ва қарийб 198 миллиард сўмлик ҳужжат имзоланган эди.

Иккинчи халқаро кўргазма-савдода икки юзга яқин хорижий етакчи фирма ва компания ўзи-

нинг замонавий технологиялари ва хизматларини намойиш этди. Қарийб икки минг нафар фермер иштирок этган ушбу халқаро тадбирда маҳсулотни қайта ишлаш техника ва технологиялари олдистодиси юзасидан мингдан ошқ ҳужжатлар имзоланди.

Кўргазма-савдонинг самарадорлигини янада ошириш мақсадида бу ерда турли мавзуларда амалий семинарлар ўтказилди. Уларда ўзбекистонлик ва хорижлик ишлаб чиқарувчилар фермерларимизни ўз технологиялари ва ускуналари билан таништирди. Шартномаларни қисқа фурусадда расмийлаштириш, харид қилинган ускуналарни ўз вақтида етказиб беришда қулайлик яратиш учун банлар, лизинг ва транс-

порт компаниялари, божхона ва солиқ хизматлари вакиллари билан бесовита иштироки таъминланди.

Кўргазма-савдода фермерликни ривожлантириш, деҳқонларнинг мулкка эгаллик ҳиссини кучайтириш, ағрар тармоқда замонавий технологиялардан оқилона фойдаланишга хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди.

Анъанавий кўргазмага қўйилган хорижий минитехнологиялар ва ихчам ускуналар қўшимча қиймат ҳамда аксиз солиқлари, импорт божларидан озод этилгани, қолаверса, «Ўзэкспомарказ» нинг кўргазма павильонлари компанияларга бепул тақдим этилгани халқаро тадбирнинг янада самарали ўтишида муҳим омил бўлди.

ХАЛҚАРО КЎРГАЗМА-САВДО

ағрар ва хусусий тармоқни замонавий технологиялар билан бойитишда муҳим омил бўлмоқда



**Қуёш ҳаммага баробар нур сочади.
Худди шундай оддий инсоний меҳр-
мурувват ва саховат ҳам инсонлар
қалбини нурга тўлдириб, хонадонларни
чароғон этади. Зотан, эзгулик инсон
ҳаётига файзу барака бахш этади.**

Матлуба АБДУРАҲМОНОВА

ВАЗИРЛАР Маҳкамаси қарорига асосан ташкил этилган Ўзбекистон Ногиронлар жамияти мана ўн олти йилдирки, шу ҳақиқатга амал қилиб, ногиронларга тенг имкониятлар яратиш, уларни ижтимоий ҳимоя қилиш, жамиятда ўз ўринларини топишига кўмаклашиш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари билан шуғулланиб келмоқда. Айни пайтда жамиятнинг вилоятлар, шаҳар ва туманларида юздан ортиқ филиал ва шўба корхоналари ишлаб турибди.

— Жорий йил «Ижтимоий ҳимоя йили» деб номланиши барча юрдошларимиз қатори жисмоний имкониятлари чекланган ногиронларнинг ҳам дилига оламжаҳон ёруғлик улашди, — дейди жамият раиси Ойбек Исоқов. — «Ижтимоий ҳимоя йили»



давлат дастури асосида биз ҳам ўз дастуримизни ишлаб чиқдик. Унга кўра, жойларда кенг қўлдан маданий-маиший тadbирлар ўтказилмоқда. Айниқса, кам таъминланган оилалардаги ногиронларга зарур кўмак берилаётир. Жумладан, ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, зарур протезлар, эшитиш мосламалари, махсус аравачалар билан бепул таъминлаш ва

ҲАММАНING ЎЗ ЎРНИ БОР

протезлар билан таъминлаб, айни чоғда, қўли енгил ортопед шифокор сифатида уларга малакали тиббий хизмат кўрсатмоқда.

Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, «Маҳалла», «Соғлом авлод» хайрия жамғармалари ва «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, Ногиронлар жамияти билан ҳамкорликда ногиронларни иш билан таъминлаш, уларнинг ижтимоий ҳаётда ўз ўринларини топишларида яқиндан кўмак бераётти. «Маҳалла» хайрия жамғармаси «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси ва «Ўзбектуризм» билан ҳамкорликда минглаб ногиронлар учун диёримиздаги қадим ва машҳур шаҳарлар ҳамда муқаддас қадамжоларга зиёрат ва саёҳатлар ҳам уюштирди.

Бугунги кунда шаҳарлари-

мизда бир-биридан гўзал бино ва савдо марказлари қад кўтарётгани қувонари. Эндиликда ана шу муҳташам савдо мажмуалари, маданий-маиший иншоотларда ногиронларнинг бемалол ҳаракатланишлари учун махсус йўлакчалар барпо этиш, шунингдек, ногиронлар жамиятларига қараши шўба корхоналарида тайёрланган турли хил озиқ-овқат ва ноистеъмол маҳсулотларни давлат буюртмалари асосида ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалаларида Ногиронлар жамиятининг таклиф ва ташаббуслари эътиборга лойиқ.

Ўтган йили ilk маротаба Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси ҳомиyliгида ногиронлар ўртасида автопойга ўтказилгани, унинг голиблари моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантирилгани, ногиронлар учун ҳам жисмоний, ҳам маънавий қувват бўлди.

Жамият фаолиятидан кўриниб турибдики, мамлакатимизда жисмоний имкониятларидан қатъи назар, барчанин ҳаётда ўз ўрни ва мавқеи бор. Ўзаро ҳурмат-иззат, меҳр ва мурувват кўрсатиш эса ҳаммамизнинг бурчимиздир.

ТАШАББУСКОР ЁШЛАР ОВОЗИ

«Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси 2005 йилдан буён «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати билан ҳамкорликда ёш авлодни ҳар томонлама мукамал тарбиялаш, янги иқтидор ва истеъдод соҳибларини аниқлаш, уларнинг ижод ва билим қўққиларини эгаллашларида кўмаклашиш мақсадида «Келажак овози» республика кўрик-танловини ўтказиб келмоқда. Танлов 15 дан 25 ёшгача бўлган ёшларни ўз ичига қамраб олган.

Асёл РАШИДОВА

«КЕЛАЖАК овози-2007» танловига ҳужжатлар қабул қилиш жараёни қизгин давом этмоқда.

— Танловда қатнашиш учун аризалар қабул қилиш мақсадида жойларда махсус штаблар ташкил этилиб, улар маълумотларни ҳар ҳафтада республика ёшлар ташаббуслари марказига юборишмоқда. — дейди «Келажак овози» ёшлар ташаббуслари маркази директори Баҳодир Шарофев: Ҳозиргача танловда иштирок этиш истагида бўлган ёшларнинг сони 16 мингтага етди ва аризаларни қабул қилиш жараёнилари давом этмоқда. Самарқанд, Қашқадарё, Бухоро, Фарғона вилоятларидаги марказлар фаоллари ёшларни бирлаштиришга қаратилган қатор тadbирларни ўтказишга улгурди. Шунинг эътирофи этиш лозимки, пойтахтимиздаги «Ёшлик» талабалар шаҳарчасида замонавий талабаларга жавоб берадиган Марказнинг янги биноси фойдаланишга

топирилди. Бир вақтнинг ўзида унлаб талаба-ёшлар замонавий кутубхона тизимидан, компьютер ва интернет хизматидан фойдаланишлари ҳамда «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармасининг ёшларга қаратилган лойиҳалари ҳақидаги маълумотларни олишлари мумкин.

Яқинда бўлиб ўтган республика ёшлар форумида Ташаббуслар марказининг яқин келажакда амалга ошириш лозим бўлган ҳаракат дастури лойиҳаси ишлаб чиқилди. Марказ йўналишлари бўйича қизиқарли тadbирлар режаси тайёрланди. Бундан ташқари, жорий йилнинг июнь ойида «Келажак овози» ёшлар ташаббуслар марказининг мавсумий ёлғи оромгоҳи ташкил этилади. Бу оромгоҳда 300 га яқин фаоллар нафақат ҳордиқ чиқаради, балки ўз билим ва малакалари, интеллектуал салоҳиятларини оширишга қаратилган семинар-тренингларда қатнашадилар, янги қизиқарли лойиҳа ва режалар устида иш олиб борадилар.

«Нафосат» аёллар ва ўсмир ёшлар ўқув-амалиёт маркази 2002 йилда иш бошлаган эди. Дастлаб у тикувчилик сирларини ўргатадиган даргоҳ сифатида фаолият юритди. Ҳозир бу ерда чеварлик билан бирга компьютер сабоқлари, инглиз тилини ўргатиш, сартарошлик, замонавий услубда парда тикиш бўйича ҳам сабоқлар берилмоқда. Барча ўқув хоналари замонавий ўқув қуроллари билан жиҳозланган. Дарсларни олиш маълумотли мутахассислар ўтишади. Таълим олиш билан амалиёт бир вақтнинг ўзида ташкил этилаётгани ўқувчиларга пухта билим олишларида қўл келмоқда.

ИЖТИМОИЙ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ

борасида нодавлат ташкилотларнинг фаолигини ошмоқда

Икром ИМОМОВ

— БИЗНИНГ асосий мақсадимиз — туман ҳудудида жойлашган маҳаллалар аҳолиси, хусусан, аёллар ва қизларга қўшимча касб-хунар ўрганишларида ёрдам бериш, кам таъминланган оилалар бекаларини ўқитиш, малакасини ошириш ҳамда уларни жамоат ишларида жалб этиш, — дейди марказ раҳбари Ноила Матқубова. — Шу кунгача марказимизда 300 нафардан ортиқ кишига бепул касб-хунар ўргатилди. Келажакда бу ишлар қўлами янада кенгайди.

Дарҳақиқат, марказ фаолияти доирасини кенгайтириш йўлида самарали ишлар амалга оширилмоқда. Хусусан, эълон қилинаётган турли грантларда марказ ўз фаолиятини ривожлантириш бўйича тақдим этган лойиҳалари муносиб баҳоланмоқда. Жумладан, у 2005 йилда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ўтказган танловда голиб бўлди. Компьютер синфи, пазандачилик курси учун керакли жиҳозлар ана шу соврин эвазига келтирилди. Ўз ўрнида ушбу грант доирасида кам таъминланган оила фарзандлари ва бекалари ўзлари истаган касб сирларини ўрганишларида бепул ёрдам кўрсатилди. «Нафосат» маркази яқинда Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотларини қўллаб-қувватлаш фонди эълон қилган грантлар танловида «Меҳнат ва касб сари

қадамлар» лойиҳаси билан иштирок этиб, грант соҳиби бўлди. Ушбу маблағ замонавий тикиш машиналари харид қилиш эвазига марказ фаолиятини кенгайтириш, 100 нафардан зиёд кам таъминланган оила фарзандлари ва бекаларини бепул ўқитишга мўлжалланган. Лойиҳада 10 га яқин доимий иш ўринларининг яратилиши ҳам кўзда тутилган. Бу эса кам таъминланган оилалар фаровонлигини оширишга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир.

— Марказда ўқиниш истовчиларнинг сони ортиб бораётгани боис ҳозирги биномиз торлиқ қилиб қолди. Тез кунларда Ҳамза тумани ҳокимлиги томонидан ажратилган янги бинода иш бошлашни режалаштираяпмиз, — дейди марказ раҳбари ўринбосари Fairатхўжа Сайдалиев.

Марказ таркибида очилиши мўлжалланаётган интернет клуб ва тренажёр заллари маҳаллагаги ёшлар учун белгиланган вақтларда бепул хизмат кўрсата бошлайди. Шунингдек, ташкил этилган кўзда тутилган кийим-кечак тикиш цехида яратиладиган 10 дан ортиқ янги иш ўринларига кам таъминланган оила вакиллари жалб этилади. «Нафосат» ўқув-амалиёт марказининг аҳоли фаровонлигини ошириш, ёшларни қўллаб-қувватлаш борасидаги эзгу мақсадлари ҳақиқий ибрат намунасидир.

Газетамизнинг жонкуяр жамоатчи мухбирларидан бири бўлмиш Абдулла Собиров юксак эътирофга сазовор бўлди. Бутунжаҳон матбуот эркинлиги куни муносабати билан пойтахтимиз марказидаги «Туркистон» саройида ўтказилган «Олтин қалам» миллий мукофотининг 2007 йилги совриндорлари ичида Абдулла оға ҳам бор эди.

Илҳом КАРОМОВ,

«Жамият» мухбири

— ШУКР, кўп эътирофларга сазовор бўлганман, — дейди Абдулла Собиров. — Аммо «Олтин қалам» бошқача экан...

Абдулла ака матбуотнинг роса аччиқ-чучугини татиغانлардан. У 1971-1985 йилларда Хоразм телевидениесида мухбир, муҳаррир, катта муҳаррир «пиллаполяр»ни босиб ўтган. Шунинг самараси ўлароқ, кейинчалик «Туямўйин ва туямўйинликлар», «Туямўйин кундаликлари» сингари муаллифлик кўрсатувлари намойиш этилди.

— Хоразм телевидениесида Маткарим Худойберганов деган ҳассос муҳаррир бор эди, — дейди у гапини лавом эттирар экан. — Шу киши менга илк устозлик қилиб, ижод йўлини кўрсатган. Эҳ, нимасини айтасиз, одамжон инсон эди у. Яна Сафо Раҳмонов деган катта муҳарриримиз бўларди. Аммо бу киши мени кўри-

ҚАЛБАДАГИ ЗИЁ

ши билан авзойи бузиларди, ўзим билмайману нимагадир мени хуш кўрмасди. Мен эса аксинча, уни яхши кўра бошладим, тобора унга яқинлашишга ҳаракат қилдим... Қисқаси, шу одам билан ота-бола тутуниб кетганмиз. Бу ҳам ҳаётнинг бир синоати-да.

Абдулла Собиров бугунги кунда «Инсон ва қонун» газетасининг Хоразм ва Қорақалпоғистон бўйича ўз мухбири.

— Оға топиб ёзди-да. Ёзганлари юракка бориб тегади, — дейди ҳамкасб дўстлари унинг ижодига баҳо бериб.

Ҳа, у қайси мавзу ҳақида ўйламин, аввало, ўша соҳага оид муҳим ма-

Қирқ йил муқаддам Ҳазорасп туманида умргузаронлик қилаётган деҳқон — Собир ота: «Ўғлим ўқиса қишлоққа электр олиб келади» деган яхши ниятда фарзандини Тошкентга жўнатганди. Бугун қишлоқда нафақат электр, бошқа муаммолар ҳам алақачон ўз ечимини топган. Собир отанинг орзу-армонлари ушалди. Ўғли Абдулла қишлоқни электрлаштиришда бевосита иштирок этмаган бўлса-да, қалбидан, қаламидан таралаётган нурни, зиёни барча юртдошларига улашаётган бахтли инсондир.

салаларни, ютуқ ва камчиликларни обдон ўрганади, кўнгилдаги фикрларини



бир ерга жамлайди. Мутахассислар билан мулоқотда бўлади, маълумотлар олади. Ана ундан кейин мақолани бир бошидан «тиклай» бошлайди.

Мустақиллик йилларида республикамизнинг нуфузли газеталарида чоп этилган «Сўз айтмоқ саодати», «Фермерлик салоҳияти», «Истиқлол бизга нима берди, биз-чи?..», «Миллионернинг уйи ва ўйи» номли ўнлаб мақолалари жамоатчилик томонидан қизгин кутиб олинди, таҳлил этилди, баҳс ва мунозараларга сабаб бўлди...

— Негадир ёзганларимдан сира кўнглим тўлмайди, — дейди Абдулла

ака. — Истиқлол боис миллий қиёфасини топаётган журналистикамиз савиясини янаям юксакка кўтаришимиз керак. Ҳозир шунга ҳаракатлар бўлаётганидан қувонаман.

Айни чоғда янги нашрларнинг энг фалолари енгил-елпи, маиший икир-чикирлардан, аста-секин ижтимоий-сиёсий, тарихий ҳамда халқаро мавзулар сари юз бораётди. Бу жараён албатта муайян вақтни талаб этади. Шу боис ёш ҳамкасбларимиз кўнг ва иродани жамлаб маҳоратни ошириб боришса, айни муддао бўлади. Бирхиллик ўқувчини эриктиради. Бу қанчалик аччиқ бўлмасин, очик гап. Услубни ўзгартириш, ҳаётда кечаётган янгилликларни тез илғаб олиш керак. Бинобарин, журналистикадаги биринчи талаб ҳам ҳолислик ва тезкорлик, албатта.

Ҳамкасбимизнинг ўзи бу жиҳатларга қатъий амал қилади. Шу боис унинг меҳнатлари муносиб тарзда баҳоланиб, «Шуҳрат» медали ҳамда «Мустақиллик» кўрак нишонлари билан тақдирланган.

Қирқ йил муқаддам Ҳазорасп туманида умргузаронлик қилаётган деҳқон — Собир ота: «Ўғлим ўқиса қишлоққа электр олиб келади» деган яхши ниятда фарзандини Тошкентга жўнатганди. Бугун қишлоқда нафақат электр, бошқа муаммолар ҳам алақачон ўз ечимини топган. Собир отанинг орзу-армонлари ушалди. Ўғли Абдулла қишлоқни электрлаштиришда бевосита иштирок этмаган бўлса-да, қалбидан, қаламидан таралаётган нурни, зиёни барча юртдошларига улашаётган бахтли инсондир.

Абдулла Авлоний номидаги халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш марказий институтида таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг оммавий ахборот воситаларида ёритилиши масалаларига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

ТАЪЛИМ ВА МАТБУОТ

Назокат УСМОНОВА

СЕМИНАРДА сўзга чиққанлар мамлакатимиз раҳбари Ислон Каримов томонидан ёш авлодни соғлом ва баркамол, чуқур билимли ва юксак тафаккурли шахс этиб тарбиялаш давлатимиз сиёсатининг асосий йўналиши этиб белгиланганини таъкидладилар. Бу борада қабул қилинган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда унинг мантиқий давомидан бўлган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилмоқда.

Ушбу ҳужжатларга биноан юртимизнинг барча ҳудудларидаги умумтаълим мактабларининг қиёфаси замон талаблари даражасида ўзгармоқда, янги илм масканлари барпо этиляпти. Таъмирталаб мактаблар қайта реконструкция этилиб, капитал ва жорий таъмирдан чиқарилмоқда. Айни пайтда уларнинг бари янги мебель, ўқув ва лаборатория жиҳозлари, компьютер техникаси ва бошқа зарур ускуналар билан таъминланмоқда. Янги мактаблар бунёд этиш баробарида таълим мазмуни ва сифатини янада юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилиб, тақомиллашган давлат таълим стандартлари асосида янги дарсликлар, ўқув қўлланмалари, адабиётлар яратиш устида жадал иш олиб борилаётди.

Семинарда таъкидланганидек, мамлакатимизда ўқитувчи касбининг янада қадр топиши, меҳнати қўллаб-қувватланиши ва рағбатлантирилиши натижаси ўлароқ, бугунги кунда мактабларда фанлар бўйича педагог кадрлар етишмовчилигига барҳам берилди. Шу билан бирга, ўқитувчи ва мураббийларни давр талаби даражасида тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва касб маҳоратини оширишдек масъулиятли юмушга алоҳида эътибор берилаётди.

Таълим соҳасида олиб борилаётган ислохотлар бераётган самараларни халқимизга етказишда, 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатишда оммавий ахборот воситалари ходимларининг хизмати каттадир.

Семинарда таълим тизимидаги ислохотларни амалга оширишда оммавий ахборот воситаларининг ўрни ва аҳамиятига доир маърузалар тинглан-ди ва муҳокама этилди.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАРИ ИЖОДИЙ УЮШМАСИНИНГ «ЙИЛНИНГ ЭНГ ФАОЛ ЖУРНАЛИСТИ» ТАНЛОВИГА МАРҲАМАТ!

Азиз ҳамкасблар! «Ҳомийлар ва шифокорлар йили» номи билан аталган 2006 йил тарих саҳифаларидан жой олди.

Утган йил мамлакатимизнинг тараққиёт йўлида, ҳаётимизнинг барча йўналишларида олдин бошланган ижтимоий-сиёсий, маданий-маънавий ислохотларни чуқурлаштириш, жамиятимизни янгилаш, иқтисодиётимизнинг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, халқимизнинг фаровонлигини оширишда алоҳида ўрин эгаллади.

МАМЛАКАТИМИЗ ижод аҳли халқимиз эришаётган ютуқларни, ўй-мақсадларини оммавий ахборот воситалари орқали кенг ёритиб бордилар. Табиийки, бу ишлар газета ва журналлар саҳифаларида, телекўрсатувлар ва радиоэшиттиришларда, янги-янги чиққан китоблар саҳифаларида ўз аксини топди.

Оммавий ахборот воситаларида меҳнат қилаётган азиз ҳамкасблар, жамоатчи мухбирлар, сизларни «Йилнинг энг фаол журналисти — 2006» танловига таклиф этамиз. Танловга 2006 йилда эълон қилинган ижодий ишлардан намуналар хавола этилади.

Ғолиблар аънавий касб байрамимиз - Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни - 2007 йил 27 июнь арафасида аниқланиб, уларнинг рўйхати матбуотда эълон қилинади. Ғолиблар мукофотлар билан тақдирланадилар.

Танловга тақдим этилаётган ижодий ишлар тахририят тавсияси билан Ижодий уюшманинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри бўлимлари орқали топширилади.

Ижодий ишлар намуналари билан бирга муаллифнинг иш жойи, телефони ва манзили ҳақидаги маълумот ҳамда паспорт нусхаси ило-ва қилиниши керак.

Материаллар қуйидаги манзилга юборилади:
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй,
Ўзбекистон Журналистлари ижодий
уюшмаси 3-қават, 30, 35, 37-хоналар.
Телефонлар: 144-64-62; 144-64-61; 144-37-87.
Факс: 144-69-65
E-mail: ijod@sarkor.uz, www.Journalist.uz

Тошкентда «Демократик ривожланиш ва хавфсизликни таъминлаш масалалари» мавзuida халқаро конференция бўлиб ўтди. Унга кўплаб мамлакатлардан ушбу масалалар билан шуғullanувчи сиёсатшунослар ва экспертлар таширф буюрди.

Улугбек БОБОЕВ

КОНФЕРЕНЦИЯ қатнашчилари аввало, мамлакатимиз пойтахти Тошкент яна бир бор демократик қурилиш ва дунёда, жумладан, Марказий Осиё минтақасида хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш масалаларининг ўзаро боғлиқлиги каби замонамизнинг энг долзарб муаммолари бўйича очиқ мулоқот ўтказиладиган жойга айланганини мамнуният билан қайд этдилар. Бинобарин, бу юртимизда амалга оширилаётган демократик ислохотлар бераётган самаралар билан боғлиқ. Мазкур ўзгаришларни изчил ва босқичма-босқич амалга ошириш тажрибаси эса демократик жамият қуриш йўлидан бораётган бошқа мамлакатларда катта қизиқиш уйғотиши табиий.

Жамиятни демократлаштириш ва эркинлаштириш шакллари ҳар бир мамлакат бирон-бир давлатнинг истаги ёки қимматларидир хомхўли билан эмас, балки ўз халқининг хоҳиш-иродаси ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзи белгилайди.

Хорижий экспертлар Президент Ислам Каримовнинг геосиёсий ёки бошқа мақсадларда демократияни «экспорт» қилишга қарши сиёсатини тўлиқ қўллаб-қувватлашларини билдирдилар. Ж.Маршал номидаги Хавфсизлик муаммоларини ўрганиш бўйича Европа маркази профессори Евгений Вертлиннинг фикрича, айнан Ўзбекистон биринчи бўлиб бундай маккорона «демократлаштиришнинг» салбий оқибатларини англаб етди ва собиқ шўро ҳудудида «рангли инқилоблар» тўлқинини тўхтатиб қолди.

Чунки, бундай ҳаракатлар замирида демократия, демократик қадриятлар ва инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш

Жавед Акбарнинг фикрича, Ўзбекистонда аввал бошдаёқ ўзгалардан нусха кўчириш йўлидан боришмади, балки жамиятни демократлаштиришдан мақсад, адолат, тенглик ва эркинлик тамойилларига мос келадиган амалий натижаларга эришишдан иборат, деб белгилаб олинди.

Демократияни экспорт қилиш ёки бу жараёни сунъий равишда тезлаштириш мумкин эмас. Жамиятни демократлаштириш ва

барча мамлакатлар билан тенг, ўзаро манфаатли халқаро ҳамкорликни кенгайтириш йўлидан бормоқда. Бироқ, бошқа кўплаб мамлакатлардан фарқи ўлароқ, Ўзбекистоннинг миллий гурури кучли. Агар кимдир унинг манфаатлари билан ҳисоблашни истамаса, бирон-бир шериклик муносабатлари ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. Бугун Ўзбекистонга тазйиқ ўтказишга уринадиган баъ-

балки минтақавий муаммоларни ҳал қилишда ҳам етакчи ўрин туталди.

Эрон Ислам Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқуллода ва мухтор элчиси Муҳаммад Фатхалийнинг фикрича, демократиянинг Фарб моделини мажбуран тиқиштириш борасидаги кучли ташқи тазйиқларга қарама-дан, Ўзбекистон ўзгаришлар жараёнида ўз йўли, қадимий маданияти, анъаналари ва халқ менталитетига содиқ қолмоқда, сиёсий ҳамда иқтисодий ривожланиш йўлида улкан натижаларга эришмоқда.

Минтақа мамлакатлари ички ишларига демократияни ёйиш шиори остида четдан аралашиш Марказий Осиёда хавфсизликни сақлашга салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шу боис, бу масала бугун ҳам ўта долзарбдир.

Ҳиндистоннинг Қишлоқ ва саноат ривожланишини ўрганиш маркази бош директори Рашпал Малхотранинг фикрича, кўплаб ривожланган мамлакатлар тажрибаси демократик жамиятни барпо этиш узоқ давом этадиган жараён эканини кўрсатмоқда.

Бунда ҳар бир халқнинг асрий анъаналари, урф-одатлари, эътиқоди, маънавий қадриятлари ҳисобга олинмиши зарур. Чунотчи, Голландияда демократик жамият 150 йил мобайнида, Америка Қўшма Штатларида эса 200 йил давомида шаклланган. Дунёда демократиянинг ягона ва универсал модели йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас.

Ҳиндистонлик эксперт демократия ва эркинлаштириш жараёнлари, ташқи кучларнинг истаги ёки муайян сиёсатдонларнинг қарашларидан эмас, балки халқ, унинг хоҳиш-иродаси, манфаатларидан келиб чиққан ҳолда амалга оширилиши лозимлигини алоҳида таъкидлади.

Шу сабабли ҳам демократияни экспорт қилиш ёки куч ишлатиш йўли билан ўрнаш мумкин эмас. Ўзбекистоннинг жамиятни демократлаштириш ва фуқаролик жамиятини барпо этиш борасида ўз мустақил йўли бўлиб, эркинлаштириш жараёни босқичма-босқич, тадрижий равишда олиб боришмоқда. Бу йўл мамлакатда амалга оширилаётган барча ўзгаришларнинг асосини ташкил этади, деди Р. Малхотра.

Анжуманда сўзга чиққан экспертлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислохотлар республика аҳолиси томонидан тўла қўллаб-қувватланаётганини алоҳида таъкидладилар. Бу эса ислохотлар самарадорлиги ва муваффақиятининг асосий қароватидир.

ДЕМОКРАТИК ЎЗГАРТИРИШЛАР ЙЎЛИДАН



эркинлаштириш шакллари ҳар бир мамлакат бирон-бир давлатнинг истаги ёки қимматларидир хомхўли билан эмас, балки ўз халқининг хоҳиш-иродаси ва манфаатларидан келиб чиққан ҳолда ўзи белгилайди.

Аслида, демократия широрлари остида айрим Фарб мамлакатларининг янги мустамаккачилик мақсадлари яширингани эндиликда ҳеч кимга сир эмас. Ўзбекистон ўз миллий манфаатларини таъминлаш доирасида

зи қудратли давлатлар юзга келган бундай вазиятдан, аввало, ўзларига зарар қилмоқдалар.

Шуни қувончлики, бундай мураккаб шароитда Ўзбекистон ўз қобилига ўралиб қолмасдан, аксинча, халқаро ҳамкорликнинг истиқболли стратегик режаларини ишлаб чиқмоқда. Бундай муносабатларнинг ривожланишидан бошқа мамлакатлар ҳам манфаатдор. Зеро, Ўзбекистон нафақат муҳим геосиёсий мавқега эга,

КОНФЕРЕНЦИЯ ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН БИЛДИРИЛГАН ФИКРЛАР



Пьер ШАБАЛЬ, Франциянинг Стратегик ва халқаро муносабатлар институти етакчи эксперти:

— **Ўзбекистон ҳар доим Европада ва дунёда рўй бераётган воқеаларга нисбатан ўз нуқтаи назарига эга бўлиб келган. Ўзбекистон ўз демократик ривожланиш йўлини танлаб олиб, сиёсий тизимини босқичма-босқич эркинлаштириш йўлидан изчил ва қатъий бормоқда.**



Ширин АКИМОВ, Буюк Британиянинг Қироллик халқаро муносабатлар институти илмий ходими, Лондон университети-нинг Шарқ ва Африка тадқиқотлари мактаби профессори:

— **Мамлакатингиз илғор ва оқилона танланган тараққиёт йўлидан бормоқда. Ўзбекистонга тазйиқ ўтказишга доир барча уринишлар мутлақо асоссиздир.**

Бу фотосуратга термулиб суронли ва шиддатли вақт тўфонларида ўз гўзаллигини сақлаб қолган, ҳаётнинг энг улғувор, энг қутлуғ тўғусини табассуми, меҳру муҳаббат билан ардоқлаган, кўзларида матонат, садоқат, ифбат жилвалangan мўъжизани — ўзбек аёлининг бутун борлигини, қудратини, буюклигини, беназирлигини ҳис этасиз.

ЎЗБЕК МАДОННАСИ



Нурбаht МҰМИНХОНОВА

1935 йил. Марғилонлик Юлдузхон фарзандини кўксига босиб, унга қалб ҳароратини бераётган азиз ва муқаллас лаҳза муҳрланган сурат дунёни ҳайратга солди. Шарқ аёлининг илоҳий табассуми икки дарё оралиғида яшаётган қадимий халқнинг ўзига хос нафосатини, сирли хилқатини намойиш этди.

«Ўзбек мадоннаси» фотосурати 1938 йилда Париж халқаро фото кўргазмасида «гран при»га сазовор бўлди.

Жаҳон фотосанъатида Макс Пенсон номи билан олтин саҳифа биттан ёш йигит 1914 йилда Беларусиянинг Вилно шаҳридан оила-си билан Қўқонга келиб бошпана топади. Ўшанда у 20 ёшда эди. Таъқиб ва таъйиқлардан қўтилган, ўзбек халқининг меҳмондўстлиги, инсонпарварлиги, самимияти ва эҳтиромидан миннатдор бўлиб, янги ватанига чексиз меҳр қўяди, унинг ҳақиқий, муҳаббатли фарзандига айланади.

У 21 ёшида қўлида фотоаппарат ушлаб, муазам юрти-мизнинг ҳар бир гўшасига, шаҳрига, қишлоғига қараб йўл олади. 1926 йилдан бошлаб «Правда Востока» газетасининг фотомухбири сифатида Ўзбекистон ва ўзбекистонликларнинг мураккаб давр долғаларида синмаган иродаси, шижоати, алам ва қайғуларни, нурли орзу-умидлари, ҳақиндай юз бераётган воқеалар фотогалереясини яратишга киришади.

Табиатан камсукум, камтарин бўлган Макс Пенсон ҳеч қачон даҳоликка даво қилмаган. Париж кўргазмасида қолиб бўлган бўлса-да, унинг ўзигагина хос услубини, жонли суратларининг сеҳрини ўз даврида ҳеч ким англамади, қадрига етмади. Зеро, у жаҳон фотосанъати даҳолари Родченко ва Гринберг билан бир қаторда турадиган, шу билан бирга, улардан мулақо фарқ қиладиган жиҳатлари билан ёрқин таассурот уйғота оладиган тенгсиз истеъдод эди. Унинг номи ҳаётлигидаги биринчи ва охириги кўргазмаси Тошкентда 1944 йилда шов-шув билан ўтказилганидан сўнг унутулла бошланди.

Макс Пенсон 1959 йилда аини куч-ғайратга тўлган вақтда Шўро ҳукуматининг муҳим сиёсати натижасида руҳий тушқунликка тушиб қаятдан кўз юмди. Унинг минглаб — тирик, нафас оладиган суратлари диққат-эътибордан четда қолди. 1966 йилги зилзилада тенгсиз сураткашнинг уйи қулаб тушди. Қизи Дина, қуёви — ҳужжатли кино устаси Файзулла Хўжаев вайроналар остида бебаҳо суратларни ўз жонларини хавф-хатарга қўйиб қўтқариб қолди. Кейинчалик, Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгач, буюк фотосанъаткорнинг асарлари туркумлаштирилиб, жаҳонга тақдим этилди.

Айтиш жоизки, «Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми» жамғармаси кўмаги туфайли дунё кезган «Ўзбек фотосанъатига 125 йил» антологиясида Макс Пенсон асарлари ҳам салмоқли ўрин эгаллаган.

Аини пайтда Макс Пенсоннинг суратлари Германияда, Россияда, Исроил ва Италияда бир неча бор маҳаллий санъат илосмандларига тақдим этилди. Ўтган йили унинг ижоди Швейцария пойтахтидаги «Замонавий санъат маркази»да намойиш этилганда, банкирлар мамлакатга жумбушга қўлади. Ватандошимизнинг маҳорати, Ўзбекистоннинг тарихий лавҳалари, мардонавор ва олижаноб қиёфалар — швейцарияликларда чуқур таассурот қолдирди.

Бугун эса нозиктаб Лондон аҳли Макс Пенсоннинг 120 га яқин фотосурати қўйилган кўргазмада «Ўзбек мадонна-си» қаршисида эҳтиром билан бош эгаяпти. Унинг қора кўзларида, қирқ ўрим сочларида, гўзал табассумида, англаб бўлмаш ишонч, садоқат, бахт, умид ва орзулар балқиб турибди. Ило, инсониятни бирилаштириб турган, уни келажакка йўналтираётган куч аслида шу: боласини кўксига босиб, табассум қилаётган илоҳий, шунинг билан бирга ўлмас заманий ишонч.

Дарвоқе, довруғи оламга кетган ўзбекистонлик фотосанъаткорининг қизи Дина Пенсон-Хўжаева отаси изидан бориб ажойиб, тақрорланмас суратлар яратмоқда...

Демак, эрта-индин яна бир иқтидорли ижодкор ома заманимиз шухратини суратларга нақшлаб жаҳонга кўрсатади.

Иларидан ибo эргашиб юрган
Ҳаётнинг ўзидан ҳатто ҳаёли,
Ҳар саҳар офтобни уйғотиб турган
Ўзбек аёлисан, Ўзбек аёли...
Муҳаммад ЮСУФ

РАЙҲОН ЯПРОФИДАГИ МЕҲР САБОҒИ

Юрти ва оиласига садоқатли одамлар ҳамиша элнинг иззату ҳурматида бўлади. Уларни барча ҳурмат билан тилга олади, қадрлайди. Шундай эъзозли инсонлар ҳақида сўз кетганда, Пискент туманидаги ўрта мактабда узоқ йиллар ўқитувчилик қилган София Тожиева номини ҳамма бу мўътабар устоз халқ таълими тизимида қирқ йил фаолият кўрсатди. Аини дамода кексалик гаштини суратлаган онахон билан суҳбатимиз оила бахти ва муаллиму мураббий меҳнати хусусида кечди.

Дилфуза МИРЗАКАРИМОВА

— Тошкентдаги хотин-қизлар педагогика билим юртида ўқиб, Пискент туманидаги болалар уйида тарбиячи бўлдим, — дея сўз бошлади София ая. — Иккинчи жаҳон урушида ота-онасидан жудо бўлган турли миллат болалари шу ерда яшарди. Уларнинг жонига тўлган кўзларини эсласам, ҳамон кўнглим бузилади. Мени ўзларига яқин тутган, маюс нигоҳли бу болаларни бир умр ташлаб кетолмадим...

Орадан йиллар ўтди. Болалар

феълини ўрганиб, уларнинг ҳар бирига алоҳида муомалада бўлиш зарур. Ана шундан сўнг ҳар қандай бола фаолиятида ижобий ўзгариш бўлади, у яшагига интилади, дарсларини яхши ўзлаштира боради. Аслида битта қалб, битта кўз билан ўнлаб қора кўзларни кузатиш ҳам завқли, ҳам машаққатли. Ҳар бир бола ўзича бир олам. Ҳар бирининг ўзига яраша ички дунёси бор. Шунинг учун ҳам муаллим ўқув-чисининг кўзига қараб кўнглидагини ўқиб оладиган бўлиши шарт.

— София ая, сизнингча, бугун



уйи ўрнида замонавий мактаб қад ростлади. Шукрки, муаллимликдан бахт топдим. Раҳматли турмуш ўртоғим Наби ака Тожиёв билан олти нафар фарзанд тарбияладик. Ҳозир қирқдан ошиб кетди ва ўн саккиз эвара қуршо-видаман. Фарзандларимнинг барчаси олий маълумотли, уйли-жойли бўлишди. Келинларимни ҳам ўзим ўқитдим. Улар ҳам ўқитувчилик касбини танлашган.

— София ая, айтингчи, ўқувчи қалбига йўл топиш учун муаллим аввало нисбатларга эътибор қилмоғи керак?

— Даставвал, барча ўқувчилар

ги муаллим қандай бўлиши керак?

— Ҳа, кечаги кунларни бутун билан таққослаб бўлмайди. Ҳар бир илм даргоҳида компьютер хоналари, кутубхона, спорт заллари муҳайё этилганини айтмай-сизми? Болаларимиз ўзлари истаган хорижий тилни ўрганиш-аяпти. Бу эса ўз ўрнида ўқитувчиларнинг замон билан ҳамнафас ва илми теран бўлишини тақозо этади. Муаллим зукко, чуқур билимли бўлса, замон талабига жавоб бера оладиган баркамол авлодни тарбиялай олади.

— Ҳар бир инсон ўзининг биринчи ўқитувчисини миннатдор-

лик билан эслайди. Сиз ҳам ўз ўқувчиларингизнинг кейинги фаолияти билан қизиқасизми?

— Ҳа, албатта. Ўқувчиларим тез-тез йўқлаб туришади. Баъзида уйимга одам сигмай кетади. Шундай лаҳзаларда қувончимнинг чеки бўлмайди. Ҳозир шогирдларимнинг ҳам шогирдлари бор. Улар алақадон эл оғизга тушиб, ҳурмат қозонишган. Бир ўқувчим хориждаги нуфузли университетнинг математика факультетида талабаларга сабоқ берапти. Унга ўша пайтда: «сендан яхши устоз чиқади» деб қўп айттардим. Янглишмаган эканман...

— Аёл бахти кўпроқ нималарга боғлиқ?

— Оила — муқаллас даргоҳ. Икки ёшнинг аҳду-паймони ила бунёд бўлган кун унутилмас санадир. Шу боис ота-оналар юртга ош берадилар. Оиладаги тинчлик, тотувлик, фаровонлик калити эса аёл қўлида. Тўғрида, сўзга чечан, оқила аёл ҳамиша оиладаги тотувликни таъминлайди, ширин муомала қилиб, турмуш ўртоғи ва фарзандлари қалбига йўл топади...

Биз София аянинг маҳалладошлари билан ҳам суҳбатда бўлдик. Ҳамма бу оилани меҳр билан тилга олади...

— София ая билан кўшимиз, маҳалладаги биронта тўй бу кишига ўтмайди. Ҳамиша маслаҳат сўраб, тез-тез муурожаат қилиб тураемиз, — дейди қўшнилардан бири Мамлакат Шолыева.

— Аяни ўқитувчимиз эмас, онамиз деймиз, — дейди аянинг шогирди Муҳтарам Рустамова. — София онанинг меҳрлиги, таълимларини олиб кам бўлмади. Бир кун устоз билан кенг дала-ларни кезиб юрганнимизда, у киши ҳаммамизга даста-даста рай-хон улашиб, «буларни ойингларга олиб бориб беринглар», дели-лар. Шунда барчамизнинг юра-гимизда устозга нисбатан яна бир қарра меҳр оловлангандай бўлди.

Ҳа, ана шу райхон япроқлари-да ҳам меҳр сабоғи мўъжасам эди.

Негаки, аслида ҳар бир устоз сабоғининг табиатида меҳр бор, мурувват бор, тенгсиз саховат бор. Бу келажакни ардоқлаш, замину замонни янада мўътабар ва мукамил кўрмоқ орзусидан тугил-ган меҳрдир.

Ўзбекистон Фидокорлар миллий демократик партияси ҳамда Республика «Оила» илмий-амалий маркази ҳамкорлигида ташкил этилган «Оила — жамият таянчи» мавзудаги маънавий-маданий байрам тадбири пойтахтимиздаги «Туркистон» саройига йиғилган юртдошларимизнинг кўнглига олам-олам шодлик улашди.

Нурли ШОДИЕВ,

«Жамият» муҳбири

Тадбирда Тошкент шаҳри Яқкасарой тумани Конституция маҳалласидан Тўлақоновлар оиласи, Учтепа тумани Оқмачит маҳалласидан Шамсиевлар оиласи «Энг намунали оила», Бектемир тумани Роҳат маҳалласидан Сулаймоновлар оиласи эса «Энг ёш намунали оила» деб эътироф этилди. Улар байрам ташкилотчиларининг фахрий ёрлиғи ва эс-далик совғалари билан тақдирланди.

Жамиятнинг асосий бўғини бўлиши оила институтини мустаҳкамлаш, хотин-қизларнинг демократик жамиятнинг шакллантиришдаги фаолиятини ошириш, аёлларнинг мамлакатда кечётган ижти-

ОИЛА — ЖАМИЯТ ТАЯНЧИ

мойи-сиёсий жараёнлардаги иштирокини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ёш оилалар, оналик ва болаликни ижтимоий ҳимоялаш бутунги кун-нинг устувор вазифаларидан биридир.

— Мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий сиёсатнинг асл маъноси ҳам оилалар, аёллар, болалар ва қарияларни ижтимоий муҳофазасига қаратилгани билан аҳамиятлидир — деди Фидокорлар Миллий демократик партияси Марказий Кенгаши котиби Шоира Окбўтаева. — Партиямиз ўз дастурига биноан Ватан ичра мўъжаз ватан аталмиш, оила тотувлигини ошириш, табиий маданиятни юксак даражада шакллантириш, фарзандлар тарбиясида мактаб ва оила, жамоат ташкилотлари ҳамкорлигини янада қучайтириш, ёш оилаларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ишларида фаол қатнашмоқда.

Сув — мўъжиза, тириклик,
гўзаллик ва ризку барака
манбаи. Унда табиат сирлари
мужассам. Сувни тоза, пок
сақлаш, уни исроф қилмаслик
анъана ва қадриятларимиз
мазмунига сингиб кетган.
Зеро, ҳар томчи сув азиз, ҳар
қатраси ҳаётбахш!

Маъмуржон ҚИЁМОВ,

«Жамият мухбири

АФСУСКИ, куз, киш, баҳор ой-
ларида кўчаларда водопровод куври
тешилиб, сув тошиб ётгани ёки оқар
ва оқова сувларга айрим кишилар ах-
лат ташлаётганига кўзимиз тушади,
ранжиймиз.

Бундай ҳолат атроф-муҳитни иф-
лослантириб, табиат, экология, ин-
сон саломатлигига ҳам салбий таъ-
сир кўрсатади.

МУНОСАБАТ

ЮЗАКИ БЎЛМАСЛИГИ ЛОЗИМ!

— ШАҲАР сув тармоқларига ўтган
йили 421,7 миллион кубметр тоза
ичимлик суви етказиб бердик, — дей-
ди Тошкент шаҳар ҳокимлигининг



Табиатдаги ҳаво, сув,
тупроқ мувозанатда,
битта экологик тизимда
эканлигини унутмаслигимиз
зарур. Ўйлаб кўринг, шу сув
кейин деҳқончилик,
боғдорчилик, сабзавотчилик
учун очик ҳавзалар орқали
узатилади. Ўша сувдан
сугорилаган даладарда
етиштирилган маҳсулотни
яна ўзимиз истеъмол
қилишимизни
унутмаслигимиз лозим...



«Сувсоз» давлат унитар корхонаси
бош муҳандиси Дунаббой Казобеков.
Хўш, шунча сув истеъмолдан кейин
қайёққа кетади? Бу сувлар канализа-
ция, яъни оқова сув тармоғига йўнал-
тирилади ва 2500 километрдан ошқ
тармоқлар орқали 3 та тозалаш ин-
шоотларига тўпланади.

Шаҳримиз четда жойлашган бу
иншоотлар оқова сувни тозалаб,
зарарсизлантириб, экинларни су-
ғориш учун очик сув ҳавзаларига
ташлайди.

Баъзи фуқаролар оқова сув тар-
моқлари орқали ҳамма нарса оқиб
кетаверади, деб ўйлашади. Бу нотў-
ғри фикр. Шаҳримиз бўйича тармоқ-
ни кузатувчи юз мингдан ортқ
қудуқлар бор. Айрим кимсалар шу
қудуқларга чиқиндиларни ташлаша-
ди. Натижада ахлат тикилиб, оқова
сувлар ташқарига тошиб чиқади.
Тўғри, 1000 нафарга яқин назорат-
чиларимиз бор. Улар бу қудуқларни
куну тун кузатиб, назорат қилади-
лар. Лекин уларнинг нигоҳи ҳамма
жойни қамраб олиши қийин.

Кўпчилик оқова сувлар тозалаш
иншоотларига етиб боргунча махсус
панжара-тўсиқлардан ўтишини бил-
мас керак. Ҳамма «муаммо» ана шу
тўсиқлардан бошланади. Айрим ким-
салар томонидан сувга ташланган
чиқиндилар панжараларда тўпланиб,
«тўғон» ҳосил қилади. Натижада су-
внинг босими ортади, панжаралар
дош беролмай синиб кетади. Шу
боис бу ўринда жамоатчиликнинг
ёрдами жуда-жуда зарур.

ҚАТРАСИ ЗАР ҚАДАР ҚАДРЛИ

ЯГОНА ЭКОТИЗИМ

АЛБАТТА, бу муам-
моларнинг ечими
кўпроқ аҳолининг су-
вга бўлган муносабатига
боғлиқ. Яна бир таш-
вишли жиҳати, бундай
чиқиндилар сувда эри-
гач, унинг таркибини
заҳарлайди. Бу инсон
саломатлиги учун ўта
хавфли юқумли касал-
ликларнинг тарқалиши-
га олиб келишини ҳар
бир киши билиши шарт.

Дарвоқе, табиатдаги
ҳаво, сув, тупроқ муво-
занатда, битта экологик
тизимда эканлигини
унутмаслигимиз зарур.
Ўйлаб кўринг, шу сув
кейин деҳқончилик,
боғдорчилик, сабзавот-
чилик учун очик ҳавза-
лар орқали узатилади.
Ўша сувдан сугорилаган
далаларда етиштирил-
ган маҳсулотни яна ўзи-
миз истеъмол қилиши-
мизни унутмаслигимиз лозим...

СУВ — БУ ҲАЁТ

СУВГА муносабат юксак мадани-
ят даражасига кўтарилиши керак.
Қачонки, ҳар биримиз табиат, сув,
ҳавони «шахсий мулк» деб англаш
даражасига етсак юртимиз бундан-да
гўзал ва файзли бўлиб бораверади.

«Сувсоз» корхонаси мутахассис-
лари томонидан олиб борилган мо-
ниторинг натижаларига кўра, кўп
қаватли уйларида киши бошига бир
кеча-кундузда 560-600 литр ичимлик
суви сарфланиши кузатишган. Сув
сарфини ўлчаш ускуналари ўрнатил-
ган хонадонларда эса бу кўрсаткич
120-150 литрдан ошмайди.

— Бу борада аҳоли ўртасида кенг
тушунтириш-тарғибот ишларини
йўлга қўйиш керак, — дейди «Сув-
соз» давлат унитар корхонасига
қарашли «Тошкент сув таъминоти»
шўъба корхонаси директори ўрин-



босари Самариддин Насиритдинов.
— Масалан, айрим жойларда, сув
қувурлари ўтган ерларда ҳам қури-
лиш ишлари амалга оширилган. Бу
жойлар сал ўтмай чўкиб, қувурлар-
нинг ишдан чиқишига сабаб
бўлмоқда.

Сув таъминоти билан боғлиқ ай-
рим муаммоларнинг олдини олиш
борасида корхона жамоаси қатор

Сувга муносабат юксак
маданият даражасига
кўтарилиши керак. Қачонки,
ҳар биримиз табиат, сув,
ҳавони «шахсий мулк» деб
англаш даражасига етсак
юртимиз бундан-да гўзал ва
файзли бўлиб бораверади.



тадбирларни амалга оширмоқда.
Жумаладан, тарғибот ишларини
яхши йўлга қўйиш мақсадида «Ат-
роф муҳит ва соғлом ҳаёт» респуб-
лика жамоатчилик маркази қоши-
да «Ҳаёт учун таълим» маркази бил-
лан ҳамкорликда мактаб ўқувчилар-
и учун фильм ва ўқитувчиларга
мўлжалланган методик қўлланма
тайёрланди.

Албатта, сув сарфини ўлчаш ус-
куналарини ўрнатиш ҳам сув таъ-
қислиги ва исрофгарчиликнинг ол-
дини олишда катта аҳамиятга эга.
Айни кезде «Ўзбекистон Респуб-
ликасида турар-жой фондини ичим-
лик ва иссиқ сув сарфини ўлчаш
приборлари билан таъмирлаш
тўғрисида»ги инвестицион лойиҳа-
си амалга оширилмоқда. Шунинг-
дек, Ўзбекистон Республикаси
Президентининг жорий йил 3 ян-
варига 533-қарорига асосан 2008
йил 1 июлига қадар Тошкент шаҳ-
ридаги хонадонларга юз фоиз ана
шундай ускуналар ўрнатиш кўзда
тутилган. Ҳозирда 231247 донна ус-
куна хонадонларга ўрнатилди. Шу
йилнинг охиригача яна 284537 донна
ўлчаш ускуналарини ўрнатиш ре-
жалаштирилган.

ИЗЛАНИШ

ТОШКЕНТ шаҳар ҳокимлиги
ҳамда Европа тикланиш ва тарақ-
қиёт банки ўртасида имзоланган
кредит шартномасига кўра, «Тош-
кент шаҳрини сув билан таъмин-
лаш тизимини такомиллаштириш»
инвестицион лойиҳаси доирасида
ўтаётган йилда қатор ишлар амал-
га оширилди.

Қибрай сув иншоотида 62 та ав-
томатлаштирилган ер ости насос-
ларини келтирилиб, монтаж қилиш
ишлари бажарилди. Янги турдаги бу
насослар аввалгиларига нисбатан 30
фоиз электр қувватини тежайди.
Қодирия бош сув иншоотида ҳам
15 та автоматлаштирилган ана шун-
дай насос қурилмалари, сувнинг си-
фатини назорат қиладиган замона-
вий лаборатория ускуналарни келти-
риш, монтаж қилиш ва ишга туши-
риш бўйича тендер ҳужжатлари тай-
ёрланди. Шунингдек, 11 километр
узунликдаги эскирган сув тармоқ-
лари ҳам алмаштириляпти.

Шаҳримиз кенгайиб, аҳоли сони
ўсиб бораёпти. Табиийки, сувга
бўлган талаб ва эhtiёж ҳам ортади.
Демак, «Сувсоз» корхонаси жа-
моасининг ҳам иш ҳажми ошади.

Умуман, Сув мусоаффолигини
сақлаш, ундан тежаб-тергаб фой-
даланишда ҳикмат кўп.

Тадбир

ЙОДЛАНГАН ТУЗ — СОҒЛИК ГАРОВИ

Тошкентда «Йод етишмаслиги касал-
ликлари профилактикаси тўғрисида»ги
Қонунга бағишланган матбуот анжумани
бўлиб ўтди.

Дано МАХАМЕДОВА

МАБЛУМКИ, кишилар саломатлигини яхшилашнинг са-
марати йўлларида бири йодланган тузdir. Агар зарурий
қонун бўлмаса туз ишлаб чиқарувчилар ортқча чиқимдан
қўриқиб, қонунга хилоф ишларни амалга ошираверади.
Янги қонун бўйича барча ишлаб чиқарувчилар маҳсулотла-
рини йодлашлари шарт. Бу тадбир инсоннинг меҳнат ре-
сурслари имконияти ва ақлий салоҳиятини пасайтирувчи
йод танқислиги касаллигининг камайишига ёрдам беради.

Мақкур касаллигини бартараф этиш мақсадида Осиё та-
раққиёт банки, БМТнинг Болалар жамғармаси ЮНИСЕФ
билан ҳамкорликда 2001 йилдан бошлаб «Марказий Осиё
мамлакатларида ўтиш даврида кам таъминланган оилалар
ва болалар овқатланишини такомиллаштириш», «Марказий
Осиё ва Монголияда озик-овқат маҳсулотлари етказилиши-
ни мустаҳкамлаш» лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Хукуматнинг изчил сазй-ҳаракати туфайли йод танқис-
лиги касаллиги Ўзбекистонда 2010 йилгача камайиши ку-
тиляпти, деб таъкидлади матбуот анжуманида. 2001 йил-
да Ўзбекистон ва Осиё тараққиёт банки ўртасида грант
жамғармаси маблағларини кам таъминланган оилаларда-
ги аёллар ва болалар овқатланишини яхшилашга йўнал-
тириш бўйича битим имзоланган. Унга кўра Марказий
Осиёга 6,85 миллион АҚШ доллар ажратилган. Шундан
1,2 миллион доллар Ўзбекистонга тегишлидир.

Соғлиқни сақлаш вазир ўринбосари Б. Ниёзматовнинг
таъкидлашича, лойиҳанинг иккинчи босқичида йод танқис-
лиги касаллигининг олдини олишнинг қонуний асосла-
рини мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилган. Ик-
кинчи босқич 2007 йил 31 майда якунланса-да, янги қонуни-
га мувофиқ «Озик-овқат тузишни йодлаштириш» Ўзбеки-
стон стандарти ва халқаро меъёрларга мутоносиб ҳолда
йодлаштириш бўйича санитария қоидалари ва талабларига
ўзгартириш киритилган.

Истеъмол тузларини йодлаштириш жараёни корхона-
ларнинг ишлаб чиқариш лабораторияси, санитария-эпи-
демиология органлари ва истеъмолчилар ҳуқуқини муҳо-
фаза қилиш жамияти томонидан назорат қилинмоқда.



БЎЛАЖАК ЧЕМПИОНЛАР ВОЯГА ЕТМОҚДА

Ўзбекистонда спортни, хусусан болалар спортини ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилган. Зеро, соғлом авлод — буюк келажакнинг асосидир. Жисмоний тарбия ўсиб келаётган ёш авлоднинг дунёқарашини шакллантириш билан бирга, уларни ҳар томонлама етук, ватанпарвар шахслар бўлиб вояга етишида, мақсад сари қатъиятли, масъулиятли, мард ва жасур бўлиб камол топишида ёрдам беради.

да 230 минг нафардан ортиқ ўғил-қизлар жисмоний тарбия ва спорт билан мунтазам шуғулланмоқда. Турли спорт секцияларининг сони йил сайин ортиб, уларда минг-минглаб ёшлар спортни ҳаёт тарзининг бир қисмига айлантиришмоқда. Хусусан, бадий гимнастика, бокс, футбол, баскетбол, гандбол, кикбоксинг, каратэ, теннис, сузиш, миллий кураш бўйича ташкил этилган секцияларда ёшлар сони кўпайиб бораёпти.

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги иқтидорли ёш спортчилар 32 та хориж давлатларида ўтказилган халқаро

дан таъсир кўрсатди. Эндиликда ёшлар мазкур спорт мажмуаларида жисмоний тайёргарликни ошириш ва юқори натижаларга эришиш учун астойдил ҳаракат қилишмоқда.

— Спорт мактабимизда 1122 нафар ёшлар таълим олишади, — дейди 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактаби директори Озода Шерматова. — Ўқувчиларимиз акробатика, бадий гимнастика, бокс, миллий кураш, стол тенниси ва гандбол каби спортнинг олти тури билан шуғулланадилар. Улар 28 нафар тажрибали ва малакали мураббийлар қўл остида ғалабага эришиш сир-асрорларини ўрганмоқдалар.

Дарҳақиқат, спорт масканига қалам босишнингиз билан машғуллар жараёни — мураббийларнинг ҳар бир ўқувчи билан индивидуал ишлаши, спорт турлари бўйича ўтказилаётган қизгин баҳсларга гувоҳ бўласиз. Ва, албатта, ҳар бир мураббий ўз шогирдлари тимсолида бўлажак чемпионлар қиёфасини кўради, уларни юқори натижаларга эришишга ундайди, ғалаба сари руҳлантиради. Бу ҳаракатлар самараси ўлароқ 2006 йилда ўтказилган Ўзбекистон биринчилигида М.Йўлдошева ва Г.Максимова миллий кураш бўйича энг юқори ўринни қўлга киритиб, тенгқурлари орасида тенгсиз эканликларини исботлашди.

— Эрталабки югуриш ва спорт залидаги машқлар мен ва дугоналарим учун одатий ҳол саналади, — дейди М.Йўлдошева. — Натижада кун бўйи кўтаринки кайфиятда юрамиз. Бу дарсларни пухта ўзлаштиришимга ҳам ёрдам беради. Спорт билан шуғулланиш ўзининг ва атрофдагиларининг, дўстларинг ва рақибларининг теран англашга олиб келади. Бинобарин, мана шу шахсий фазилатлар мусобақаларда ғалаба қозонишда асосий омил ҳисобланади.

Болалар ва ўсмирлар спорт мактабининг акробатика секциясида 498 нафар ўқувчи (шулардан 263 нафари қизлар) машғулотларда иштирок этади. Улар орасида А.Олимжонов, Г.Қорабоева ва Д.Усмонова каби спортчилар нафақат туманда, балки Фарғона vodiysida ҳам етакчи спортчилар саналади. Уларнинг ҳаммасида катта ғайрат, иштиёқ ва қизиқиш бор. Бундан ташқари, 2006 йил мамлакатимиз пойтахтида бўлиб ўтган акробатика бўйича Осиё чемпионатида Дилшод Пулатов, Сардор Қолиров, Дилмурод Исроилов ва Давлат Мерганов катталар ўртасида учинчи ўринга сазовор бўлишди ва ҳозир Ўзбекистон терма жамоасига номзод ҳисобланадилар. Шунингдек, бокс секциясида 139 нафар ўсмир қатнашади. Ўтган йили Д.Тешабоев, А.Жўрабоев ва А.Нуриддинов мамлакат биринчилиги ва Ўзбекистон кубоги баҳсларида ўз вази тоифаларида биринчи ўринни қўлга киритдилар.

— Спорт менинг ҳаётимда жуда катта аҳамиятга эга, — дейди Азизбек Жўрабоев. — У менга дарсларни пухта ўзлаштиришимга ёрдам беради, мақсад сари илҳомлантиради. Яқинда ҳамюртимиз Руслан Чагаевнинг россиялик боксчи Николай Валуйев устидан қозонган оламшумул ғалабаси ўзбек боксининг жаҳондаги тантанаси сифатида бўлиб ёш боксчиларда ғурур ва ифтихор ҳисларини уйғотди, қалбимиз фалграга тўлди. Ўйлайманки, Чагаевнинг бу ғалабаси — биз сингари минглаб ёш спортчиларни бу мардона спорт тури билан янада ғайрат ва шижоат билан шуғулланишга даъват этади.



Алиса КРЕМЕНЧУЦКАЯ

ЖИСМОНИЙ тарбия билан машғул бўлиш болаликдан бошланади ва у таълим тизимининг барча турларида ўқув жараёнининг бир бўлаги ҳисобланади. Бинобарин, спортни муваффақиятли ривожлантириш учун таълим муассасаларида спорт мажмуалари қурилаяпти, моддий база мустаҳкамланаяпти ҳамда кенгайтирилаяпти.

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги ҳузуридаги Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси 2004-2006 йиллар мобайнида 437 та спорт иншоотида қурилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширди. 109 та спорт мажмуаси янгидан барпо этилган бўлса, 146 таси реконструкция қилинди. 182 та умумтаълим мактаблари янги спорт залларига эга бўлди. Мазкур спорт заллари ва янги қурилган иншоотларга «Спорт карвонлари» шiori остида 2,3 миллилар сўмлик жиҳозлар етказиб берилди.

Бугунги кунда республикаимиз миқёсида болалар спортини ривожлантириш аниқ мақсадли ва режали тарзда амалга оширилаяпти. Фойдаланишга топширилган спорт мажмуаларининг 80 фоиздан ортиги қишлоқ жойларга ва чекка ҳудудларга тўғри келади. Жорий йилда бу ишлар давом эттирилиб, 174 та спорт иншоотида қурилиш-таъ-

мирлаш ишларини амалга ошириш режалаштирилган. Жумладан, 10 та янги спорт мажмуаси, 147 та умумтаълим мактабида спорт заллари барпо этилади, 17 та иншоотда эса реконструкция ишлари олиб борилади. Мазкур спорт мажмуаларининг 87 фоизи қишлоқ жойларда таълим олаётган болажон-

Ўзбекистоннинг турли ҳудудларидаги иқтидорли ёш спортчилар 32 та хориж давлатларида ўтказилган халқаро мусобақаларда Ватанимиз шаънини ҳимоя қилдилар. Бинобарин, халқаро мусобақаларда юрт шаънини ҳимоя қилаётган ёш ўзбек спортчи-ўқувчиларнинг қўлга киритган ғалабалари бизни, албатта, хурсанд қилади ва келажакда чемпионлар улғайишига умид бағишлайди.

ларга мўлжалланган.

Халқ таълими вазирлиги тасарруфидати 388 та болалар ва ўсмирлар спорт мактаби ҳамда спортга йўналтирилган 29 та мактаб-интернатлар-

мусобақаларда Ватанимиз шаънини ҳимоя қилдилар. 301 нафар ўсмир ва 106 нафар қизларимиз Россия, Германия, Франция, Нидерландия, Австрия, Туркия, Швейцария, Руминия, Хитой, Хорватия, Словакия, Украина, Қозонистон, Таиланд, Словения каби давлатларда ўтказилган спорт фестиваллари ва форумларда иштирок этдилар. Бинобарин, халқаро мусобақаларда юрт шаънини ҳимоя қилаётган ёш ўзбек спортчи-ўқувчиларнинг қўлга киритган ғалабалари бизни, албатта, хурсанд қилади ва келажакда чемпионлар улғайишига умид бағишлайди.

Сузиш бўйича Мафтуна Тўхтасинова ва Шоҳрух Юнусов, енгил атлетикада Валентина Дусанова, юнорум кураши бўйича Шерали Шодмонов, дзюдода Мария Шекерова ва бошқа ёшлар қўлга киритган юксак натижалар ва ютуқлар миллатнинг фахри ва ғурури саналади.

Шу ўринда, биргина махсус спорт мактаби ҳаёти ҳақида тўхталиб ўтсак. Масалан, Фарғона вилоят Кува туманидаги 2-болалар ва ўсмирлар спорт мактабида барча талабаларга жавоб берадиган замонавий спорт иншоотлари — кенг ҳажмдаги спорт зали (унда тренажёрлар ва гимнастика жиҳозлари бор), ёзги спорт майдончаси ва югуриш йўлкаларининг фойдаланишга топширилиши бу ердаги ўқув ва спорт машғулоти жараёнига туб-

МАКТАБ – ҲАЁТ ИБТИДОСИ

унда келажак авлод камол топади

Пойтахтнинг Чилонзор туманидаги 217-умумтаълим мактаби — истеъдодли ёшлар маскани сифатида тилга тушган билим даргоҳларидан биридир.




Диффуза МИРЗАКАРИМОВА,

«Жамият» мухбири

Ўз устида изланиш, таълим жараёнига ижодкорларча ёндошиш ушбу мактабда ишлаётган ҳар бир ўқитувчи учун ҳаёт мезонига айланган. Бу даргоҳда 1512 нафар ўқувчи таълим олади. Уларга 75 нафар малакали ўқитувчи сабоқ беради. Бу ерда кўп йиллик таърифага эга бўлган устозлар талайгина. Ана шундай мураббийлардан бири — уста Маъмур Рихсиевнинг таълим



услуби ҳақида ҳикоя қилимоқчимиз. Босиб, бу даргоҳда эътиборимизни тортиш манзара — ўқувчилар ўз қўллари билан ясаётган турли рўзгор буюмлари бўлди. Моҳир уста раҳбарлигида ҳали навниҳол бола-



лар ясаган асбоб-анжомлар ниҳоятда ҳайратланарли эди. Устахонадаги бешик, тахтакач, қаламлон, жуъа, лўмбоз, лавҳ, сандиқ сингари рўзгор анжомларини кўрган ҳар қандай киши меҳнат дарси бесамар

ўтаётганига амин бўлади.

— Ўқувчиларим буларни ясашни амалиёт дарсларида ўргатдилар, — дейди Маъмуржон ака. — Йилги кишига қирқ хунар оз. Менинг шогирдларим бир пайтнинг ўзида ҳам назарий таълим оладилар, ҳам хунар ўргатадилар. Ўз қўллари билан ясаган буюмларини байрам кунларида устозлари, ота-она ва яқинларига совға қилишди. Баъзида «ута талабчанлик қилиб шогирдларимни қийнаб юбормадиммикан» дея ўйлаб ҳам қолмаман. Бироқ, ҳаётда битта михни ҳам эплаб қоқолмайдиганлар борлигини кўриб баъзида ачинаман, баъзида эса «ҳар тутул хунар ўрганишгапти-ку» деб хурсанд бўлман. Устоз шогирда нафақат меҳрибон, балки бироз қаттиққўл ҳам бўлмоғи керак. Шунда эл-юрт юкига елка туталадиган баркамол авлодни воёга етказамиз.

Уста Маъмурнинг иш жараёнини кузатар эканмиз, булар воқеасида амалга оширилаётган ишлар бир кун ўзининг натижасини беришига ишонч ҳосил қилдик. Шу бос, унинг муносиб шогирд-

тинчи синфгача бўлган ўқувчилари ўртасида ўтказилган «Бешик ясаш» танловига биринчи ўринни эгаллаган олтинчи синф ўқувчиси Баҳром Бобоев билан суҳбатлашдик. У устоз бошчилигида амалга оширилаётган хайрли ишлари ҳақида фахр билан шундай деди:

— Устозимиз билан шу қадар ўзаро меҳр боғлаганмизки, ҳатто дарсдан ташқари пайтларда ҳам бизга ёғоч ўймакорлиги, дурадгорлик ва бошқа халқ ҳунармандчилиги дурдоналаридан эринмай сабоқ берадилар. Шунчаки хунар ўргатибгина қолмай балки, ясаётган буюмларимизнинг аҳамияти ҳақида ҳам муфассал тушуنча берадилар. Масалан, олдин бешикни олайлик. У ҳар бир ўзбек хонадонига бор. Аммо, бешикнинг илк марта қачон ва нима учун айнан шундай шаклда ясалганини ҳамма ҳам билмайди. Худди шунингдек, ўзбек рўзгорига ҳанузгача қўлланиладиган ёғоч қошиқани олайлик. Унга қўли гул уста ишлов берганида бетақор санъат асарига айланади. Яна бир муҳим жиҳати шуки, у инсон саломатлиги учун фойдалиқдир. Устозимиздан бундай пурҳикмат сабоқларни олганимиздан сўнг, ўз хонаримиз билан фахрланиб, ясаётган буюмларимизнинг янада нафис ва бетақор бўлишига интиламиз.

Ҳалол меҳнати ва ҳунари орқасидан рўзгор тебратаетган қарамонимиз ва унинг шогирдлари камҳарж кишиларга стол-стул, хонтахта, шкаф каби зарур рўзгор жиҳозлари ясаб бераётгани ҳақида ҳам қисқача тўхталгани лозим тоғдик. Зеро, очикқўл инсонларнинг хайрли ишларидан бошқалар ҳам ибрат олса арзийди. Шайх Саъдий айтидиганларки:

Ўз хунари ила нон тоғган киши,

Ҳотам миннатидан озод ёз-қилиш.

Устоз шогирдга
нафақат меҳрибон,
балки бироз қаттиққўл
ҳам бўлмоғи керак.
Шунда эл-юрт юкига
елка туталадиган
баркамол авлодни
воёга етказамиз.

ларидан бири, яқинда пойтахтимиздаги ўрта ва умумтаълим мактабларининг бешинчи синфдан ет-

— **Қирол шер! Мен севган мультфильм — «Қирол шер!» Шунинг учун уларни кўрганай ҳайвонот боғига келаман. Ҳа, қирол шер шу ерда, мен буни биламан.**

Феруза БҮРИБОЕВА

— МЕН эса бўри ва кўён ҳақидаги «Сеними, шошмай тур» ни яхши кўраман. Бўри билан кўнни кўргим келса, шу ерга отланаман...

Бу Алишер билан Давроннинг айтган сўзлари. Улар билан иттифоқо ҳайвонот боғида танишиб қолдим. Болакайлар пойтахтимиздаги учинчи ўрта мактабда ўқишар экан.

— Бу ерга фарзандларим билан тез-тез келиб тураман, — дейди юртдошимиз Вассила Ҳайитова. — Болалар-ку болалар, ўзим ҳам қизикаман. Кундалик ташвишларни бир четга суриб қўйиб, ҳайвонот боғи сари ошқанам. Чунки, бу ернинг ўзига хос дунёси бор.

Дарҳақиқат, пойтахтимизнинг Юнусобод туманида жойлашган «Тошкент ҳайвонот боғи»га ташриф бузораётганлар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Боғда жаҳоннинг турли минтақаларидан келтирилган ёввойи ҳайвонлар, қўшлар билан бирга Қизил китобга киритилган паррандаю дарандалар ҳам бор. Табиийки, бу ердаги жонзотларни кўриш, уларнинг тури ва ҳаёти билан танишиш, айниқса, болажонларимиз диққатини тортади. Қолаверса, боғда ҳайвонот оламига мос иқлим шароити яратиб берилган. Бу ерда Африка, Австралия, Америка, Европа табиатини, ҳайвонот оламини кўриш, кузатиш завқланиш мумкин.

— Бундай муваффақиятларни осонликча қўлга киритганимиз йўқ, — дейди ҳайвонот боғи директорининг илмий ишлар бўйича ўринбосари Азиз Ирисметов. — 1997



«ЭРТАКЛАР ДУНЁСИ» — ЙЎҚДИР ҚИЁСИ

йил боғимизда 85 турдаги ҳайвон бўлган бўлса, орадан ўн йил ўтиб уларнинг сони 439 тургача кўпайди. Боғимиз 2000 йилдан буён жаҳон ҳайвонот боғлари ва аквариумлар ассоциацияси аъзоси. Ҳар йили ушбу ассоциацияга боғимизнинг ривожланиш жараёни ҳақида ахборот берамиз...

— Ҳар бир нарсанинг ҳисоб-китоби бўлгани яхши! Айниқса, ҳайвонлар сони, унинг ўсиб бориши ахборотимизнинг асосий мағзи ва муддаоси. Соҳада олиб борилаётган илмий ишлар, ёввойи ҳайвонлардан зурриёд олиш бўйича амалга оширилган тадқиқотлар ҳам қайд этилади. Айтанча, зурриёд олиш соҳасида дунёда олдинги ўринлардамиз.

— Хусусан Ўн Кондори деган ноёб, йиртқич қўшдан дунёнинг учта мамлакатидан зурриёд олинган ҳолис. Берлинда, Сан

Диего ва Тошкент ҳайвонот боғида... Ундан насл олиш ниҳоятда қийин. Аввало, унга хос шароит яратиб берилиши керак. Озуқасига турли хил витаминлар, микроэлементлар қўшиб бериш шарт. Бундан ташқари, қатъий назорат, уни ўрганиш, феъл-атворини билиш, ҳуллас илмий кузатувлар билан чамбарчас боғлиқ масала бу.

— Яқинда Евроосиё минтақавий ҳайвонот боғлари ва аквариумлар ассоциациясининг Тошкент анжумани бўлиб ўтди. Анжуманда иштирок этган юзлаб соҳа вакиллари бизнинг Ҳайвонот боғимизда бўлиши, ҳайратланиши, ёғ-атрофни ёрқин таассуротлар оғушида қезишди... Биз билан ўзаро тажриба алмашишди. Муҳими хорижликлар меҳнатимизга қўйил қилишди. Мақтанаяпти деган-гу боғимизда йўқ жонзотнинг ўзи

йўқ. Ҳатто, Мисрдан келтирилган Ибс қуши ҳам бор бизда... ўсимликлардан мойчечакдан тортиб наъматаккача, қарағай, арча, каштан дарактларигача мавжуд.

— **Шу ўринда, ҳайвонот боғимизда мавжуд Амур йўлбарси ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз?**

— Бу кўпчиликни қизиқтириши табиий. Чунки бу йўлбарсларнинг энг йиртқич туридир. Ушбу йўлбарс зурриёдларини кўпайтириш устида узоқ йиллар жиддий иш олиб борилади. Улар туғкунликда 2005 йил 3 та зурриёд келтирди. Иккинчи бор 2006 йил 4 та йўлбарчалар авлодлар давомийлигини таъминлади. Улар ҳозир 9 ойлик бўлишган. Туғилганда вазнлари 400-450 грамм, кўзлари юмук ҳолда эди. 14 кундан кейин кўзлари очилди. 1,5-2 ой онасининг сuti билан озиқланди. 2 ойлик бўлгандан сўнг, ўсиши тезлашди. Тирноқларининг узунлиги 4-5 смга етиб, пичқодай ўткирлашди... 6-8 ойлик бўлганда эса хавф туғдира бошлади. Балоғат ёши эркакда 4 ёшда, ургочисидан 5 ёшда кечади.

Она йўлбарс болаларини икки йилгача ўзи билан бирга олиб юриб, оғ қилишни ўргатади, боқадан олиб ҳимоя қилади. Бу жараёнга отаси аралашмайди. Қизиги шундаки, улар ўзларининг худудларига бегоналарни киритишмайди.

Ҳозирги кунда бургут, қора тасқара, қумай, болта ютар, оқ лайлак, уқки қуш, Миср ибс қуши, Африка шери ҳамда бир неча тур маймунилар ва туёқли ҳайвонлардан зурриёд олинди. Ҳайвонот боғи мутасаддиларининг мақсадлари эгзу. Мамалякати аҳолиси ва меҳмонларини ҳақиқий эртаклар дунёси билан таништиришдир. Мабода йўлингиз тушиб Тошкент ҳайвонот боғига кириб қолсангиз, шошилмасдан томоша қилинг беқўёс таассуротлар оласиз, завқ-шавққа тошиб, ҳайратланиб — кўнглингиз равшан тортади.

Она табият

АЖДОДЛАР ЁҚҚАН ИЛМ ЧИРОҒИ

бугун ҳам порлаб турибди

Жаҳон тамаддуни бешигини тебратган алломалар орасида қадим Туронзамин фарзандларининг кўпчилиги қалбимизни фахрифтхорга чўлғайди. IX — XV асрлар мобайнида ислом оламида етишиб чиққан 700 дан ортиқ номдор олимлардан беш юз нафари Марказий Осиёликлардир. Қомусий илм соҳиблари бўлган улўғ аجدодларимиз ўз кашфиётлари билан етти иқлимга донг таратишган.

Азамат СУЮНОВ

МУҲАММАД Мусо Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад ал-Фарғоний сингари боболаримиз табиий фанлар ривожига улкан ҳисса қўшганлар.

Фарғона водийсида таваллуд топган Аҳмад ал-Фарғоний табиатда рўй бериши эҳтимоли бўлган фавқулодда вазиятларни олдиндан аниқлашда беназир истеъдод соҳиби бўлган. У Нил дарёси суви сатҳини ўлчаш учун ноёб иншоот лойиҳасини яратган ва унинг қурилишига бошқош бўлган. Ушбу иншоот бир неча аср давомида Мисрнинг иқтисодий ва сиёсий ҳаётида муҳим роль ўйнади. Унинг лойиҳаси XX асрнинг иккинчи ярмида қурилган Асвон тўғонида асос бўлди.

Азим Нил дарёси сувининг кўтарилиб, тошиб туришини олдиндан аниқлаш мумкин бўлмаган бир пайтда Фарғоний маҳсус асбоб — нилометрни кашф этган эди. Бу асбоб ёрдамида дарё сатҳи — сувнинг паст ёки баландлиги ҳисобга олинган, мисрлик мирос ва деҳқонлар қурғоқчилик ёки сув тошқинидан огоҳ этилиб, улар ўз ишларини шунга қараб юритишган.

Кўп асрлар мобайнида денгизи ва карвонбошларни фойдаланган, юлдузлар ҳаракатини ўлчайдиган асбоб — устурлобнинг ихтирочиси ҳам юртдошимиз Аҳмад ал-Фарғонийдир.


Буюк бобоклонимиз астрономия, физика, жўғрофия каби аниқ фанлар бўйича ҳам ўз даврида оламшумул кашфиётларни амалга оширган. Европада Ал-Фраганус номи билан машҳур бўлган бобомиз Испаниядаги Кордова университетининг илк профессори деб қайд этилган.

Буюк ватандошимизнинг устурлоб тўғрисидаги «Осмон жисмлари ҳаракати ва юлдузлар тўғрисидаги байлиқлар йиғиндиси» асарларида ўша даврда маълум бўлмаган географик ўринлар кўрсатилган жадвал, ер сатҳининг шарқдан ғарбга томон етти иқлимга ўрнашган чегаралари ва белгилари ўрин олган.

Билим эскирмас, олтин зангаламас, деганларидек ҳамма за-

монда ҳам катта кашфиётлар яратган истеъдод эгалари хурмат-этиборга сазовор бўлганлар.

Яқинда Ўзбекистон Президент Ислам Каримовнинг Миср Араб республикасида расмий ташифи чоғида мисрликлар томонидан Қоҳиранинг қоқ марказида Аҳмад ал-Фарғонийга улкан ҳайкал ўрнатилгани буюк аждодимизга бўлган юксак эҳтиром белгисидир.



Илк уйғониш даврининг буюк мутафаккирларидан Абу Райҳон Беруний ҳам илмнинг барча соҳаларида улкан кашфиётлар яратган. Берунийнинг 160 дан ортиқ нолир асарларидан 70 таси астрономия, 20 таси математика, 12 таси геометрия ва геодезия, 4 таси картография, 10 таси об-ҳавони биلىш масалалари, 3 таси минералогия ва қолганлари физика, доришunosлик, тарих ва этнография, фалсафа ва адабиётга оиддир.

Беруний Шарқ олимлари орасида биринчилардан бўлиб, Ернинг шар шаклида эканлигини исботлаган ва Ер Қуёш атрофида айланади, деган фикрга келган. У ер шарни ўлчамини аниқлаб, эни 5 метр келадиган глобус ясаган, дунё харитасини чизган. Дунёнинг қаерида қандай турдаги бойлиқлар мавжудлигини, денгиз сувининг ҳар куни икки марта қалқиб туриши, Ой ва Қуёш тутилишларининг сабабини содда қилиб тushунтириб берган. Амударё қайси вақтда тошиб, қачон сазлашининг жадвалини тузган.

Ўз замонасининг беназир



олимларидан саналган, Самарқандда расадхона бунёд этиб, «Жижи Кўрагоний» жадвалини яратган Мирзо Улўғбек Беруний асарларидан ижодий фойдаланган.

Буюк қомусий олим Абу Али ибн Сино ҳам осмон жисмлари ва табиат ҳодисаларини ўрганиб, талай кашфиётларни рўёбга чиқарган. У юлдузлар ҳаракатини, турли моддаларнинг таркиби ва тузилишини ўрганиш баробарида инсон соғлигини ҳимоялашдек эзгу ишларга муносиб ҳисса қўшган. Ибн Сино ўзигача номаълум бўлган кўпгина касалликларни батафсил таърифлаб беради. XI асрдаёқ микроблар юқумли касалликларни келтириб чиқарувчи хусусиятга эга, деган ғояни илгари суриб, эпидемиялар ҳақида инсониятни огоҳ этди. «Китоб аш-Шифо» асарида зилзиланинг сабаб ва оқибатлари хусусида ҳам қимматли фикрлар баён этилган.

Ибн Сино ўз кашфиётлари билан инсон ақл-заковатининг имкониятлари нақадар улканлигини, табиат сырларини англаб етишга қодирлигини исботлаб берди.


— Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино ва кейинроқ Заҳриддин Муҳаммад Бобур ўз асарларида зилзилаларнинг сабаб ва оқибатлари ҳақида қимматли фикрлар билдиришган. Улар зилзилалар ҳамма жойда эмас, айрим жойларда йил фаслларида — Қуёш ва Ой фазаларида боғлиқ равишда рўй бериши ҳақида ёзишган. «Бобурнома»да зилзила кучи ер устида қандай тарқалиши борасида қимматли фикрлар келтирилган. Бу асарлар зилзила табиати ҳақидаги илк ва тўғри хулосалар эди, — дейди сейсмолог олим, академик Қаҳҳорбой Абдуллабеков.

Хулоса ўрнида айтишимиз мумкинки, юртимизнинг беназир илмий ва маънавий салоҳияти — буюк аждодларимиз томонидан ёқиб кетилган тафаккур машъалалари бугун ҳам янги куч ва қудрат билан порламоқда. Ўтмиш маънавий қадриятларимизни тиклаган истиқлол даври барча соҳаларнинг истеъдодлари камол топиши ва ўзини намоён этиши учун катта имконият яратмоқда.

Самарқанд шахрининг 2750 йиллиги

Кўҳна Самарқанд қанчадан-қанча юксалишу эврилишлар, инқирозу талотўпларни кўрмаган. Худди шунингдек, Самарқанд тарихи битилган асарлар бошидан ҳам шундай қисмат еллар елиб ўтган. Уларнинг аксарияти бизгача етиб келмаган. Ё босқинлар пайтида ёндирилган, ё талончилик йўли билан бошқа юртларга олиб кетилган. Биргина «Самария» асари бизнинг давримизгача етиб келган, холос.

МАШҲУР МАДРАСА НЕГА «ШЕРДОР» ДЕБ АТАЛГАН?



Зокир ХУДОЙШУКУРОВ

УНИНГ ҳам халққа қадим этилиши жула қийин кетган. Асарни аввалгига самарқандлик олим Абдумўмин Сатторий форс тилидан ўзбек тилига ўтирди. Унинг вафотидан кейин «Самария» таржимаси 1925 йилда Садриддин Айний томонидан тахрир қилиниб нашрга тайёрланди. Аммо у чоп этилмаган қолдиб кетди. Оралдан 45 йил ўтгандан сўнг тарихчи Бўрибой Аҳмедов «Самария»ни нашрга тайёрлаш жараёнида таржималаги баъзи бир камчиликларни тузатади. Ниҳоят, Абу Тоҳирхожа Самарқандий қаламига мансуб бу асар мустақилликнинг дастлабки 1991 йилда ёруғлик юзини кўради.

Китоб ўн бир боб, муқаддима ва хотимадан иборат. Унда Самарқанднинг бунёд этилиш тарихи, шаҳарнинг «Самарқанд» деб аталиши сабаблари, жўғрофий ҳолати, об-ҳавоси ва XIX асрнинг учинчи чоригига қалар сақланиб қолган осори-атиқалари, шунингдек, масжид ва мадрасалар, қўшқ ва хилхоналари ҳақида маълумот берилган. Шунинг ўзидек асарнинг қиммати қай даражада эканини кўрсатиб турибди.

Яқинда «Самария»ни яна бир қарра ўқиб чиқдим. Асарни ўқиб жараёнида ўзим учун янгилик бўлган баъзи маълумотларга эътибор қаратдим.

Мен учун янгилик бўлган бу маълумот «Шердор» мадрасасининг номи билан боғлиқ. Аслида мазкур маълумот нимагадир таржомон томонидан тушириб қолдирилган, нашрга тайёрловчилар уни изох сифатида келтириб ўтишган.

Кўпчилигимиз мадраса пештоқига иккита шернинг тасвири туширилгани учун у «Шердор» деб аталган деб ўйлаймиз. Аслида ундай эмас экан.

Бир пайтлар юртимизда илми нуҷум муқамал даражада ривож топган. Катта-катта хайрли ишлар ана шу илм хулосаларига қараб бошланган ва ниҳоят етказилган. Табиийки, мазкур мадраса биноси қурилиши ҳам осмон жисмлари жойлашувига қараб бошланган. Уни битказиш пайтида эса осмон жисмларининг «бахтиёрликка ишора бериш палласи» қутиб турилган. Ниҳоят ўша қутилган вақт етиб келди. Бу 1618 йилнинг июль ойи эди. Маълум бўлишича, бу санада Қуёш Асад буржида, яъни Шер рўпарасида пайдо бўлади. Бунинг бахтиёр замонга ишора эканини мунжазимлар яхши билишган. Шу башоратдан хабар топан бинокорлар десрли битиб қолган мадраса пештоқига бахтиёрлик ва куч-қудрат рамзи сифатида иккита шернинг суратини нақшлаганлар.

Шу ўрнида мулоҳаза қилиб қурайлик: борди-ю осмон жисмлари бошқа бир буржда, бошқа бир ҳолатда жойлашганда оламга «Шердор» номи билан машҳур бўлган мадраса бутунлай бошқа бир ном билан аталиши ҳам мумкин эди. Аммо мадраса «Шердор» деб аталди. Шундан буюн у Самарқанднинг кўржи бўлиб, шер монанд виқор билан турибди. Шу виқор билан не-не қалбларни ром этиб, бугун кўҳна Самарқанднинг 2750 йиллиги туйғини қутиб олаётми. Мадраса пештоқидagi шер тисмоли эса Ватанимиз — Ўзбекистон куч-қудрати ва буюклигидан нишонлар.

БОШБОШДОҚЛИККА ҚАРШИ КУРАШ

Қозоғистон Адлия вазирлиги мамлакатда вужудда келган диний бошбошдоқликка қарши кураш бошлади, деб хабар тарқатди Press-uz.info ахборот агентлиги.

ВАЗИРЛИК тарқатган маълумотга кўра, айни пайтда мамлакатда диний бирлашмалар ва ташкилотлар сони кўпайиш тенденциясига эга. Ҳозир бу ерда қирқдан зиёд конфессияга оид 3855 та диний ташкилот фаолият кўрсатаёпти. Уларнинг тасарруфида 2847 та ибодатхона, 38 номда чоп этилаётган диний нашрлар мавжуд.

Рақамларнинг бу қадар ортиб кетишига радикал ва диний жамоалар ўчоғининг пайдо бўлиши, ноанъанавий диний эътиқодларнинг тарқалиши ва чет эллик миссионерларнинг актив фаолияти сабаб бўлмоқда, дейилади Қозоғистон адлия вазирлиги ахборотида. Бинобарин, ҳозир мамлакат бўйича 356

та чет эл миссионерлари фаолият кўрсатаёпти.

Ўзларини «яратганнинг чет эллик хабарчилари» деб атайдиган миссионерлар мамлакатнинг барча бурчакларига тарқалиб кетган. Улар жуда кўплаб диний мазмундаги босма ва аудиовизуал маҳсулотларни жомалонларда ташиб келтиришмоқда. Шунингдек, шу ернинг ўзидан нашр қилиб (хусусий мулк шаклидаги 200 дан ортиқ босма хоналарда) тарқатмоқдалар.

Кейинги пайтларда ўтказилган текширишларда диний бирлашмалар, чет эллик миссионерлар томонидан рўйхатдан ўтиш ва таълим фаолиятига рухсатномалар олишда ҳамда диний мазмун-

даги материалларни тарқатиш борасида амалдаги қонунларни бузиш ҳолатлари аниқланган.

Вазирлик ахборотида айтилишича, буларнинг бари диний таълим дастурлари мазмунини ва сифатини етарлича назорат қилинмаслиги оқибатидир. Қозоғистонда рўйхатга олинган 16 та диний ўқув юртидан атиги биттасида таълим фаолияти учун рухсатнома берилиши аниқ шундан далолат беради.

Мамлакатда тарқатиш даражасида диний билимлардан бошқарув давлат хизматчилари, малакали мутахассислар деярли йўқ. Боз устига, асосий конфессиялар руҳонийларининг ҳам билим даражаси юқори эмас, бу эса конфессиялараро тотувликни мустақамлаш, диний экстремизмнинг олдини олишга қаратилган ишлар самарасини пасайтириб юбормоқда.

Қозоғистон Адлия вазирлигининг фикрича, бу муаммолар қонунчиликдаги бўшлиқ туфайли юзага чиқмоқда. Диний бирлашмалар ва гуруҳларнинг белгилари ва таркибини аниқлаш, диний таълимотни тартибга солиш масалалари қонуний ҳал этилиши лозим. Рўйхатга олиш чоғида диний бирлашмалар уставига талабни қучайтириш, шунингдек, ваколатли орган функцияларини қонуний мустақамлаш лозим, деб таъкидланади вазирлик ҳужжатида.



Бундан бир ойча илгари, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг Молдовадаги миссияси бошлиғи Льюис О'Нил гражданлар уруши йилларида чоп этилган плакатларни, бошқача айтганда, антиквар буюмларни Россиядан олиб чиқиб кетаятганида Домодедово аэропортида қўлга олинган эди.

БЕТНИНГ ҚАЛИНИ — ЖОННИНГ РОҲАТИ


НАФСЛАМБИРИНИ айтганда, унга бу ерда дипломатик дахлсизлик ёрдам беролмади. Шундай бўлса-да, «уддабурон» дипломат, нодир плакатлар мусолара қилинган, қўйиб юборилди ва у Кишинёвга эсон-омон етиб борди. Маълум бўлишича, Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилоти амалдори ўзининг Москвага ташрифини ташкилот ҳисобидан хизмат сафари тарзида расмийлаштирган экан.

Дипломатик одоб-ахлоқ қоидаларига кўра, мазкур можародан сўнг у, албатта, истеъфо бериши лозим эди. Аммо, О'Нил ҳеч нарса бўлмагандек, ҳамон ўз ўрнида ишлаб юрибди. Бетнинг қалини — жонининг роҳати, деб шунга айтадилар-да!

О'Нилни Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотига вакил қилиб жўнатган АҚШ маъмурияти, ташкилот котибияти ҳам, гўё ҳеч нарса бўлмагандек, воқеага бирор бир муносабат билдирмадилар. Вақоланки, бундай ноқонуний хатти-ҳаракат улар «эктирмаган» мамлакатлар фуқаролари томонидан содир этилганда, аллақачон дунёга жар солган бўлардилар.

Дарвоқе, аввал ҳам миссия раҳбарининг фаолияти бир неча марта танқидга учраган. О'Нил ҳақида молдовалик экспертлар шундай дейдилар: «Бу америкалик ёш мутахассис фаолиятини намойиш этиши учун ҳали ўзини кўрсатиши лозим, шу боисдан, у ўзини ҳар ёққа уравериб, баҳкана тақлифлар билан тез-тез «қовун» тушириб ҳам туради».

Европада хавфсизлик ва ҳамкорлик ташкилотининг 1999 йил Истамбул шаҳрида бўлиб ўтган саммитида қабул қилинган Европа хавфсизлик Хартиясида ташкилотнинг миссияларига ўз вазифасини шакллантирган давлатга аста-секин ўпкашиш ва шундан сўнг ўз ишини тутатиш бўйича кўрсатма берган эди. Аммо бунга амал қилинмапти. Миссия вакиллари ҳануз собиқ иттифоқ ва Югославия республикалари ҳудудида «фаолият» олиб бормоқдалар.



«Образованные медиа» фонди (Интерньюс) ташкилотининг вориси) раҳбарининг компания ҳужжатлари ноқонуний мусодара этилгани ҳақидаги шикоятини Москва шаҳар Голованск район суди кўриб чиқмайдиган бўлди, деб хабар тарқатди РИА «Новости».

ШИКОЯТ КЎРИБ ЧИҚИЛМАЙДИГАН БЎЛДИ

МАЪЛУМКИ, жорий йил бошида ташкилот вакиллари 700 минг рублга тенг миқдордаги чет эл валютасини қонунга ҳилоф тарзда божхона назорати ҳудудидан олиб ўтаётганда қўлга тушган эди. Шундан сўнг, Россия ҳуқуқ-тартибот идоралари мазкур жиноят иши доирасида фондининг Москвадаги қароргоҳида тинтув ўтказиб, компания ҳужжатларини олиб қўйган эди. Фонд раҳбари ана шу ҳолат юзасидан Голованск район судига шикоят қилган.

«Терговчининг «Образованные медиа» ва «Интерньюс»га тегишли электрон ҳужжатларни мусодара қилиш тўғрисидаги қарори устидан қилинган шикоят ҳудудий жиҳатдан тегишли бўлган Савеловск район судига юборилди», деди судья.

МАҚТАНГАННИНГ «ТЎЙИ»ГА БОҚ

«Тинчлик корпуси» — ривожланаётган мамлакатларга таълим соҳасида «қўмаклашиш» ва шу баҳонада ғарб турмуш тарзини тарғиб қилиш мақсадида «тузилган» ташкилотлардан бири.

Америка урф-одатлари, қадриятларини оммалаштириш унинг асосий вазифаси ҳисобланади. Қарангки, ғарб турмуш тарзини кўкларга кўтариб мақтовчи, ҳаммага «ақл» ўргатувчи бу ташкилотнинг собиқ ходими Марк Эндрью яқинда бир жинсли никоҳ тузиш нияти борлигини эълон қилди. Бу ҳақда «Associated Press» агентлиги маълумот тарқатди.

ЭНДРЬЮНИНГ бўлажак «турмуш ўртоғи» Жон Робинсон — руҳоний, Нью-Гемпшир штатининг Епархия раҳбари. Улар аслида 18 йилдан буён «бир ёстиққа бош қўйиб» яшабланпти. Инглиз черковида никоҳдан ҳам ўтишган.

Шу йил 26 апрелда Нью-Гемпшир штатининг сенати «Фуқаролар иттифоқи тўғрисида» қонун қабул қилди. Айнан ана шу қонун бир жинсли никоҳга йўл очиб берди.

Айни пайтда штат губернатори Жон Линч ҳам мазкур қонунни имзолашга тайёргарлик кўраётган эмиш.

«Мен турмуш ўртоғим билан ана шу янги қонун берадиган имкониятлардан фойдаланмоқчиман», деб баёнот берган епископ Робинсон оммавий ахборот воситаларига.

Эндрью билан Робинсоннинг «оилавий турмуши» эркак зотида жирканиш ҳиссини уйғотиши та-

бий. Лекин, у «Тинчлик корпуси» кўнгилдилари айрим вакиллариининг ҳақиқий қиёфасини акс эттирувчи ёрқин мисолдир.

Шу ўринда эслатиб ўтиш жоизки, «Тинчлик корпуси» ташкилоти 1961 йилда АҚШнинг ўша даврдаги президенти Жон Кеннеди ташаббуси билан ташкил этилган ва у ҳукуматнинг ижро ҳокимияти таркибидаги бўлима ҳисобланган.

Айни пайтда ташкилот дунёнинг кўплаб мамлакатларида фаолият юритаёпти. Жумладан, МДХ мамлакатлари орасида Арманистон, Озарбайжон, Қирғизистон ва Туркменистонда «Тинчлик корпуси» кўнгилдилари иш олиб бормоқда.

2001 йилга қадар ташкилот вакиллари Россияда ҳам бор эди. Ўз мақсадлари бир четда қўлиб, минтақалардаги ижтимоий-сиёсий ва иқтисодий вазиятга оид маълумотлар тўплаш билан шуғуллангани фойдаланган, улар Россия ҳудудидан чиқариб юборилган.

Интернет материаллари асосида Норбобо ШАКАРОВ тайёрлади.



Спорт

Нуфузли
спорт

мусобақаси —

Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳар бир спортчининг юксак орзуси саналади. Унда шохсунага кўтарилган спортчилар миллатнинг фахри ва ғурурига айланади. Келгуси йил Пекин шаҳрида мазкур баҳсларга старт берилади.

Ҳозирда ноқ спортчилар Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини берувчи мусобақаларда ўз омадларини синаб кўраяптилар.

Элмурод ЭГАМҚУЛОВ

ЯКИНДА республикамизда биринчилардан бўлиб енгил атлетикачизимиз Виталий Смирнов Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи «Мулти Стар» турни-

«ПЕКИН-2008»ГА БИРИНЧИ ЙЎЛЛАНМА НАҚД

рида муваффақиятли иштирок этди. Италиянинг Дзено-сано шаҳарчасида бўлиб ўтган мазкур мусобақада ҳамюртимиз 7825 очко тўплаб, 40 иштирокчи орасида иккинчи ўринни эгаллади ва 2008 йилда Пекин шаҳрида бўлиб ўтадиган Олимпиада ўйинларида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритди.

Виталий Смирнов дастлабки юқори натижани 1997 йил ўсмирлар ўртасида бўлиб ўтган Осиё чемпионатида (Таиланд) қайд этган. Ўшанда унга учинчи ўрин насиб этган эди. Шунингдек, 2003 йилда Манила шаҳри-



да бўлиб ўтган Осиё чемпионатида олтин медаль, Душанбе шаҳрида ўтказилган Марказий Осиё ўйинларида кумуш медаль совриндори

бўлган. 2004 йилда Афина Олимпиадасида ҳам қатнашган. 2006 йил Дохада бўлиб ўтган Осиё ўйинларида иккинчи ўринни эгаллаган.

НАМАНГАНДА ТЕННИС ТУРНИРИ

Катта теннис мусобақалари нафақат пойтахтда, балки вилоятларда ҳам анъанавий тарзда ўтказилмоқда. Хусусан, шундай беллашувлардан бири «Фьючерс» анъанавий халқаро турнири энг қизғин паллага кирди. Намангандаги «Дўстлик» спорт-соғломлаштириш мажмуи теннис кортларида ўтказилаётган турнирнинг соврин жамғармаси 15 минг АҚШ долларини ташкил этади.

ТУРНИРДА «Фьючерс» мусобақаларида кўп бор қатнашган таниқли теннисчилар — Хитой Тайпейи вакиллари Ванг ва Чен, қозоғистонлик Алексей Кедрюк, Чехия, Россия, Украина, Австралия, Исроил, Миср, Хиндистон, Туркия ва Австрия каби ўн икки мамлакатдан келган профессионал спортчилар қаторида Ўзбекистон терма жамоаси аъзолари — Денис Истомин, Мурод Иноятов, Сарвар Икромов, Арсен Асановлар иштирок этмоқда. Совринли ўринлар ва жаҳон теннис таснифига зарур бўладиган рейтинг очколар учун баҳслар қизғин ва муросасиз ўтаяпти.

Хафта охирида голиблар номи аниқланади.

ОБ-ҲАВО

Кунни кеча бўлиб ўтган ёгингарчилик баҳор фасли ўз ўринини ёзга бўшашиб беришга ҳали шоишмаётганидан далолатдир. Бинобарин, ҳар бир фаслнинг ўз муддати, вақтисоати бор. Уни ҳеч қим ортга ҳам, илгарига ҳам суролмайди.

Республика Гидрометеорология маркази хабарига кўра, бузун мамлакатимизда ҳаво булутли бўлади, айрим жойларда қисқа муддатли ёмғир ёғиши мумкин.

20-22 май кунлари бутун мамлакат бўйлаб ҳаво очик бўлади, ёгингарчилик қўйилмайди. Ғарбдан эсаяётган шамол ўз йўналишини ўзгартириб, шарқдан 7-12 метр/секунд тезликда эса бошлайди. Баъзи жойларда унинг тезлиги кучайиб, 15-20 метр/секундга етади. Ҳарорат кечалари 7-12, кундуз кунлари 18-23 даража иссиқ бўлади. 21-22 майда ҳарорат бироз кўтарилади: симоб устуни 22-27 даражани кўрсатади.

Республикаимизнинг тоғли ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, вақти-вақти билан ёмғир ёғади. 22 майда ёгингарчилик бўлмайди. Секундига 7-12 метр тезликда шамол эсиб туради. Ҳарорат кечаси 3-8, кундузи 10-15 даража иссиқ бўлиши кўтилмоқда.

ЁҒОЧИ – ХОМАШЁ, БАРГИ – ОЗУҚА, МЕВАСИ – ДАВО

Тарихдан маълумки, совуқ кунлар чўзилган йилларда одамлар тут пишиғини илҳақ бўлиб қўйишган. Чунки қиш фаслида кузатиладиган касалликлар оқибатлари тут пишиғида ортга чекинган. Шунинг учун ҳам тут меваси азал-азалдан тўйимли ва шифобахш озуқа сифатида қадрланади.


Улуғбек БОБОЕВ

БАЛХ тути ва оқ тут мевалари таркибида 25% қанд, 1,5% азотли моддалар, 2,17% органик кислоталар, С витамини, ошловчи моддалар, макро ва микроэлементлардан калий (350 мг %), натрий, кальций, магний бор.

Таъкидлаганимиздек, Шарқ табобатида тут шифобахшлиги билан машҳур. Абу Али ибн Сино тут меваси ҳамда мева шираси билан огиз ва томоқ яллиғланишини, оғиз

бўшлиғидаги шишларни, дивентерияни даволаган. Шунингдек, балх тутининг сархил барг ширасини танглай муртақларининг яллиғланишида ҳамда тиш оғриқларини даволашда ишлатган.

Халқ табобатида балх тути иситмани қайтарувчи, кишига дармон бағишловчи, қон кўпайтирувчи восита сифатида қўлланилади. Тут ичак фалиятини мустаҳкамлайди, безакни даволайди. Унинг таркибида темир моддаси бўлгани туфайли камқонлик



(анемия) билан касалланган беморларга истисмол қилиш тавсия этилади.

Тут мевасидан шифобахш ширини ва қоқилар тайёрлаш мумкин. Юртимизда тут қоқилан қулча ва сомсалар ёпилади. Ундан тайёрланган сирка хушхўрлиги билан ажралиб туради.

Тут дарахти қишлоқ хўжалигининг етакчи тармоқларидан бири — пиллачиликни ривожлантиришда катта аҳамиятга эга. Ёғочи эса мебель саноати учун қимматли хомашё саналади.

Тут ниҳоятда кўркам, серсоя бўлиб, 200-300 йиллик дарахт ҳисобланади.

БОШ МУҲАРРИР

Сирожиiddин РАУПОВ

ТАХРИР ХАЙЪАТИ

Маъруфжон УСМОНОВ
Қиём НАЗАРОВ
Жамолiddин ҲАКИМОВ
Рифат САРБАЕВ
Рустам ҚОСИМОВ
Норбобо ШАКАРОВ
Беҳзод ХОТАМОВ
Нурали ШОДИЕВ

МУАССИСЛАР

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси
Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлар миллий ассоциацияси
Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш жамоат фонди
Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси
Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партияси
«Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журнали

НАВБАТЧИ МУҲАРРИР

Абдували ҚУТБИДДИНОВ

ДИЗАЙНЕР

Ҳабибжон БОЛТАЕВ

НАВБАТЧИ

Илхом КАРОМОВ

«Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди.
Манзил: Буюк Турон кўчаси, 41.
Буюртма рақами Г-436
Адади: 8018

Газета «Фуқаролик жамияти — Гражданское общество — Civil society» журналининг ҳафталик иловаси.

Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2006 йил 0010-рақам билан рўйхатга олинган.

ТАХРИРИЯТ МАНЗИЛИ:

100003, Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шохқўчаси, 45-уй.
Маълумот учун телефонлар:
132-60-98, 132-60-74.
Электрон почта:

info@jamiyatgzt.uz
jamiat@mail.ru

«Жамият» дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

① — тижорат белгиси
Топшириш вақти: 20.00
Топширилган вақти: 01.20



Тариф Биринчи

уй ҳудуди - БУТУН ЎЗБЕКИСТОН!

Барча мобил рақамлардан кирувчи алоқа* - \$0
Барча мобил рақамларга чиқувчи алоқа** - \$0,02

Уланишда минимал олдиндан тўлов – 5 000 сўм.

* Ўзбекистон бўйича Ўзбекистон ҳудудидаги барча уяли алоқа операторлари абонентларидан бўлган қўнғироқларда ва операторга тегишли префикс тўғри берилганда.

** Бир дақиқа учун, рақамлар операторларнинг қуйидаги префикслари билан терилганда: 998 90, 998 93, 998 95, 998 98.

*** Ўзбекистон бўйича бошқа кирувчи ва чиқувчи қўнғироқлар бир дақиқа учун - \$0,04

Батафсил маълумотни WWW.MTS.UZ сайтида кўриш мумкин

Хизматлар лицензияланган

Ўзбекистон Республикасида хизматлар «Ўздунробита» компанияси томонидан тақдим этилади

Туловлар сумда ЎзР МБнинг тулов кундаги курси бўйича амалга оширилади. Нархларга барча солиқлар киритилган.

